

Ўқув машғулоти

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.) Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганларидек: «Фақатгина чинакам маърифатли одам инсонийликни, миллат қадриятларини, бир сўз билан айтганда, ўзлигини англаши, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб, обрўли ўрин эгаллаши учун фидойилик билан курашиши мумкин».

Ўқув машғулида республика ИИБ ШТБХ Тарбиявий ишлар бошқармаси бош инспектори, подполковник М. Халилов, бўлима бошлиғи, майор Б. Содиков, катта инспектор, капитан Ш. Содиков, инспектор, капитан Д. Худойбергенова, инспектор-психолог, катта лейтенант А. Умаров ва бошқа ходимларнинг маърузалари тингланди. Шунингдек, ўқув жараёнида вазирлик Котибияти бошлиғи ўринбосари, майор Б. Норматов, Ахборот маркази бош мутахассиси, подполковник Л. Сагатов ва тақлиф ва мулоҳазалари билан билдирилди.

Республика ИИБ Бирлашган тахририят бош муҳаррири, полковник З. Нейматов «Ходимларни тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқий онги ва салоҳиятини оширишда матбуотнинг роли» мавзусида маъруза қилди. Жумладан, у



ХОДИМЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ – МУҲИМ МАСАЛА

сўнги йилларда Юртбошимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси билан матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари фаолиятига катта эътибор берилган, шунингдек, вазиризм генерал-лейтенант Б. Матлубов томонидан республика Ички ишлар вазирлигининг нашрлари — «Postda», «На посту» газеталари ҳамда «Qalqon», «Шит» журнал-

ларнинг сифати, мазмундорлигини оширишга яқиндан ёрдам берилган таъкидлади. Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ва Транспорт ИИБлари раҳбарлари ҳамда жойларда ШТБХ ходимлари вазирлик газети ва журналларига обунани ташкиллаштиришда бевосита кўмақдош бўлиб келишадигани учун улар-

самимий миннатдорчилик билдирди. — Ўқув машғулоти давомида зарурий билим ва қўникмаларни олдиқ, — дейди республика ИИБ «Қуриқлаш» бирлашмаси ШТБХ тарбиявий ишлар бўлима бошлиғи, подполковник О. Азимов. — Бу келгусида ички ишлар идоралари ходимлари билан олиб бориладиган тарбиявий ишларни ташкиллаштириш, амалга

ошириш, қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажарилишини таъминлаш, хизмат интизоми ва қўнчилиқни мустаҳкамлаш борасидаги ишларни амалга оширишимизда гоят асосатда, деб ўйлайман.

Тадбир иштирокчилари пойтахтнинг диққатга сазовор жойлари, жумладан, Темурийлар тарихи давлат музейи, Халқаро анжуманлар саройи, Ҳазрати Имом мажмуасини томоша қилишди, шунингдек, Ўзбек миллий академик дарома театрига таширфи буюришди.

Азизжон ФАЙЗИЕВ. Суратларда: ўқув машғули пайти.

Тантана

ЮКСАК САВИЯДА НИШОНЛАНДИ

25 октябрь — Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимлари кўни юртимизда кенг байрам қилинди. Республика ИИБ тизимларида касб байрами муносабати билан тантанали тадбирлар бўлиб ўтди. Қуйида жойлардан олинган хабарлар билан таништирамиз.

ҚАРШИ. Қашқадарё вилоятида касб байрами «Эл-юрт таянчи» монументи пойга гуллар қўйиш билан бошланди. Тадбирда вилоят ҳокими, ички ишлар бошқармаси, ҳуқуқ-тартиб идоралари, соҳавий хизматлар раҳбарлари, фахрийлар кенг жамоатчилик вакиллари, хизмат чоғида ҳалок бўлган ходимларнинг оила аъзолари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳозир бўлишди.

Тантанали йиғилишда вилоят ҳокими Н. Зайниев ва вилоят ИИБ бошлиғи, генерал-майор А. Қўлдошев иштирок этиб, эл осойишталигини таъминлаш йўлида жонбошлиқ кўрсатиб келадиган бир гуруҳ ходимларга Ички ишлар вазирининг буйруғига биноан берилган «А'ю хизматлари учун» кўкрак нишони, махсус унвонлар, пул мукофотлари ва қимматбаҳо совғаларни топширдилар. Содиқ РАХИМОВ.

НАМАНГАН. Ички ишлар идоралари ходимлари кўни муносабати билан Наманган шаҳри марказида ўтказилган тантана барчада унутилмас таассурот қолдирди. Вилоят ҳокими Б. Юсупов юртимиз осойишталигини сақлаб келадиган соҳа вакилларининг шарафли меҳнатларига юксак баҳо бериб, уларни касб байрамлари билан самимий муборакбод этди. Вилоят ИИБ фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги полковник Тоҳиржон Нугмонов кексаларнинг эзгу ишларини давом эттираётган ёшларнинг шижоати, қатъияти ҳақида тўхтади. Хизмат вазифасини бажариш чоғида ҳалок бўлган катта сержант Қодиржон Тожибоевнинг турмуш ўртоғи Хайринисо Сотволдиева вилоят ИИБ раҳбарияти томонидан кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибор учун ташаккур билдирди. Фурқат МАМАЖОНОВ, майор.

ТЕРМИЗ. Сурхондарё вилояти ИИБда ўтказилган байрам тадбирини вилоят ҳокими Т. Жураев кириш сўзи билан очиб, эл тинчлиги учун тиним билмай, ўз бурчи содиқ соҳа ходимлари фаолиятига ихобий баҳо бериб, уларни байрам билан кизгин муборакбод этди. Шундан сўнг вилоят ИИБ бошлиғи вазифасини бажарувчи, полковник Н. Қурбонов хизматда алоҳида ўрнатқурсатган ходимлар, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, хизмат вақтида ҳалок бўлган ички ишлар ходимларининг оила аъзоларига байрам совғаларини топширди. Тантаналар М. Уйғур номидаги вилоят мусиқа драма театрида ҳушроғ хонанда ва раққосалар ижросидаги концертга улашиб кетди. Фарход ТОШБОЕВ, катта сержант.

ФАРФОНА. Байрам муносабати билан ўтказилган тадбирда бошқарма бошлиғи, генерал-майор Т. Сатаров республика Ички ишлар вазирининг табригини ўқиб эшиттирди. ИИВнинг буйруғи билан мукофотланган ходимларга махсус унвонлар, «А'ю хизматлари учун» кўкрак нишони, Фахрий ёрлиқлар, пул мукофотлари ва қимматбаҳо совғалар топширилди. Хизмат пайтида ҳалок бўлган ва ногирон бўлиб қолган ходимларнинг фарзандлари учун алоҳида тадбир ўтказилди. Улар учун вилоят кўғирчоқ театри ижодкорлари томонидан тайёрланган «Оқушлар нидоси» спектакли намойиш этилди ва Ал-Фарғоний номидаги истироҳат боғида байрам дастурхони уюштирилди. Бурйбой ОМОНЗОДА, подполковник.

УРГАНЧ. Огаҳий номли мусиқа драма ва комедия театрида ички ишлар идоралари ходимларининг касб байрамига бағишланган тантанали тадбирни вилоят ИИБ бошлиғи, полковник Ш. Икромов очиб, ички ишлар идоралари ходимларининг юрт осойишталигини таъминлаш борасида амалга оширадиган ишларига атофлича тўхталиб ўтди. Шундан сўнг вилоят ҳокими О. Олпабергенов сўзга чиқиб, мард, жасур ва ҳушёр осойишталик посбонларини касб байрами билан самимий табрикланди. Вилоят ИИБ фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги подполковник Қўзи Давлетов, вилоят ИИБ хотин-қизлар кенгаши раисининг ўринбосари, майор Дармонжон Авезовлар халқ осойишталигини таъминлашда ички ишлар идоралари ходимларининг муносиб ўрни борлигини фахр ва ифтихор билан таъкидлаб ўтишди. Шундан сўнг сидқидилдан хизмат қилаётган бир гуруҳ ички ишлар идоралари ходимларига махсус унвонлар, фахрий ёрлиқлар ҳамда эсдалик совғалари топширилди. Худойбергян ЖАББОРОВ.

ГУЛИСТОН. Касб байрамни вилоят ички ишлар ходимлари кўтаринки рўҳда нишонладилар. Бошқармада ўтказилган тантанадан сўнг вилоят ИИБ томонидан оталиққа олинган Гулистондаги болалар шаҳарчасида байрам муносабати билан навбатдаги саховат тадбири уюштирилди. Бу ерда ота-онасидан етим қолган болалар яшаб, ўқиб, ҳунар ўрганишда. Вилоят ИИБ бошлиғи ўринбосари, майор О. Абдуллаев болаларга бошқарма раҳбарияти ва шахсий таркибининг совғаларини топширди. Тўқин дастурхон атофида ўтирган болажонлар бу саховат учун ички ишлар ходимларига миннатдорчилик билдириб, эл-юрт посбонлигига бағишланган шевърлар ўқишди, қўшиқлар айтиб, рақсга тушдилар. Назиржон ЙЎЛДОШЕВ.

Тадбир



ШАРАФЛИ КАСБ СОҲИБЛАРИ ҲУЗУРИДА

Шайхонтоҳур тумани ИИБда 25 октябрь — Ички ишлар идоралари ходимлари кўни муносабати билан тадбир бўлиб ўтди. «Шарафли ва машаққатли касб соҳиблари» мавзусида ташкил этилган навбатдаги маърифат дарсига Ўзбекистон халқ шоири, сенатор Маҳмуд Тоиров, Муқимий номидаги мусиқа драма театри директори, Ўзбекистон халқ артисти Мурод Ражабов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Турғун Бекназаров, Ўзбекистон Миллий тиланиш демократик партияси Шайхонтоҳур тумани кенгаши раиси ўринбосари Наргиза Аҳмедова ҳамда Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси муҳаррири Нозима Воҳидовалар тақлиф этилдилар.

дойи ходимларни яна бир бора касб байрами билан муборакбод этишди. — Биз санъаткорлар ва ички ишлар идоралари ходимларининг фаолиятимизда ўхшашлик бордек назаримда, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Мурод Ражабов. — Икковида ҳам бошқа касбларга нисбатан машаққат-



Тадбирни туман ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, подполковник Д. Нейматов очди. Ўзбекистон халқ шоири, сенатор Маҳмуд Тоиров ходимларни айём билан кутлар экан, табригини ўзининг янги ижод намуналари, шеърлари орқали изхор этди. Ўзбекистон халқ артисти Мурод Ражабов эса ички ишлар идоралари билан боғлиқ кизикarli хангомалар

айтиб, йиғилганлар кайфиятини кўтарди ва машаққатли касб соҳибларининг келгуси ишларига муваффақият тилади. Шунингдек, Шайхонтоҳур тумани Тинчлик маҳаллиси раиси А. Агзамова, журналист Н. Воҳидова, актёр Т. Бекназаровлар ҳам мамлакатимиз тинчлиги, халқимиз осойишталиги йўлида мардлик ва матонат намуналарини кўрсатаётган жасур, фи-

лар кўп. Ички ишлар идоралари ходимларининг фаолиятини ҳақдор қиламан. Улардаги жасурлик, довураклик, кечани кеча, кундузни кундуз демай юрт осойишталиги йўлида хизмат қилиши ҳар қандай эътирофга лойиқдир. Тилагим улар соғ-саломат бўлиб, оиласи бахтига омон юришсин.

— Байрам муносабати билан фахрийларга эҳтиром кўрсатилганидан жуда мамнун бўлдик, — дейди туман ИИБ фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги подполковник З. Мавлонов. — Ишончим комилки, бу уларнинг ёш ходимлар онгига Ватанга содиқлик, хизмат вазифасига масъулият билан ёндашиш, ҳалоллик, фидойилик каби фазилатларни сингдиришдек эзгу ишларида қанот бўлади.

Тадбир сўнггида кўп йиллар ички ишлар идораларида самарали хизмат қилиб, ҳозирда кексалик гаштини суриб келадиган бир гуруҳ фахрийларга эҳтиром кўрсатилди. Уларга тўн кийгизилиб, совғалар улашилди.

Азизжон ҚУРБОНМУРОВ. Суратларда: тадбирдан лавҳалар.

АҲОЛИ ХАВФСИЗЛИГИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигида «Фавқулодда вазиятларнинг олдини олишда мониторинг ва башоратлаш ишларининг аҳамияти ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофазат қилиш тўғрисида»ги Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қонунининг мазмун-моҳияти» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда вазирлик раҳбар ва масъул ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Тадбирни Фавқулодда вазиятлар вазири ўринбосари, полковник Х. Абдулазизов очар экан, мамлакатимиз аҳолиси, унинг ҳудудларини табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлардан муҳофазат қилиш, уларнинг олдини олиш ва содир бўлганда оқибатларини бартараф этиш буйича тадбирлар ишлаб чиқиш ва шу асосда фавқулодда вазиятлар чоғида давлат тизимларининг ҳамкорликдаги ҳаракатларини мувофиқлаштириб боришларига тўхтади. Шунингдек, аҳолига фавқулодда вазиятлар ҳақида кенг тушунарлар бериш, бундай ҳолларда тўғри ҳаракатланишга ўргатиш энг муҳим вазифалардан бўлиб, оммавий ахборот воситаларининг бу борада ўрни катта эканлигини эътироф этди.

Анжуманда вазирлик юридик хизмати бошлиғи, адлия полковниги Ф. Жумаев ҳамда фавқулодда вазиятларда бошқарув маркази Мониторинг ва башоратлаш хизмати бошлиғи, капитан Б. Қурбонларнинг кўн тартибдаги масала юзасидан маърузалари тингланди.

Тадбир савол-жавоб ва баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтди. Фурқат ХОЛИҚУЛОВ, «Postda» муҳбири.

САНЪАТ – ЭЗГУЛИККА ЧОРЛАЙДИ

Жазони ижро этиш муассасалариаро бўлиб ўтган республика миқёсидаги «Истеъдод-2010» кўрик-танловининг иккинчи босқичи Қашқадарё вилоят ИИБ ЖИББ тасарруфидаги муассасаларда ҳам ниҳоясига етди.


Полковник Жонпўлат Абдуллаев бошлиқ жазони ижро этиш колониясида ўтказилган махсус тадбир Баркамол авлод йили, мустақиллигимизнинг 19 йиллиги, Конституцияга оид, шунингдек, миллий маънавиятимиз равнақиға улкан ҳисса қўшган бир қатор алломалар ва адибларимиз таваллуд айёмларида бағишлаб тайёрланган мусиқа, театрлаштирилган дастур асосида намойиш қилинди.

Шунингдек, унда «Ватан муҳаббати», «Сенинг фарзандингман», «Ўзбекистони!» «Она» каби қўшиқлар, «Ватан қолади», деб номланган бадий ўқиш, «Юртим посбони» мавзусидаги вокал ижролари маромига етказиб тайёрланганлиги боис томошабинларни ҳушнуд этди. Халқимизда санъат — эзгуликка етаклайди, деган ажойиб нақл бор. Ушбу кўрик-танлов ҳам муҳим аҳамиятига эга.

Соҳибжамол АМИНОВА. Қашқадарё вилояти.

МАНЗИЛГА СОҒ-ОМОН ЕТИНГ!

Узоқ йўлга чиққан ҳар бир киши манзилга тинч, соғ-саломат этиб боришни истайди. Транспорт ИИБ Тошкент шохбёкати тармоқ ИИБ ходимлари ҳар кўни минглаб юртдошларимизни поездларда кўзлаган жойларига хавф-хатарсиз этиб олишларини назорат қилиб борадилар. Бу борада «Ўзбекстон темир йўллари» ДАТК вагон кузатувчилари билан яқин ҳамкорлик қилинаётгани ахши самара бермоқда.



Суратда: Тошкент шохбёкати тармоқ ИИБ ХООБ ВЕОҲООБ инспектори, катта лейтенант Х. Аҳмедов (чапдан иккинчи) ППХ ва ЖТСБ ходими, катта сержант А. Мирзажонов «Тошкент – Самарқанд» поезди вагон кузатувчилари билан бирга хизмат жараёнида.

Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.

Хабар

Наманган вилояти ИИБ Тиббиёт бўлимидагилар зиммасига ҳуқуқ-тартиб идоралари ходимлари, уларнинг оила аъзолари ва фахрийлар салооматлигини муҳофазалашдек шарафли вазифа юклаган. Шунингдек, хизматга янги кирувчи, ИИБ Академиясига, Сержантлар таркибини тайёрлаш буйича олий курсларига ўқишга борувчи номзодларнинг салооматлиги тўғрисида аниқ маълумотлар берилди. Чунки ички ишлар

ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС

ходими бўлиш учун соғлом, жисмонан бақувват, ҳар томонлама баркамоллик талаб қилинади. Шу боис тиббиёт бўлими биноси капитал таъмирланиб, қўшимча кулайликлар яратилган: жумладан, физиотерапия муолажаларининг барча турини қўллаш учун зарур ва энг замонавий асбоб-ускуналар келтирилди. Магнит билан даволаш, маг-

нитли вакуумли рефлексотерапия муолажаси ҳам йўлга қўйилди. Кундузги стационардаги ўринлар сонини бир нечтага етказилиб, замонавийлаштирилган ошхона мазмунлар хизматида.

Бундан ташқари, ўтган йили ички ишлар идоралари ходимларининг касб байрами муносабати билан алоҳида шифоҳона қурилиб, фойдаланишга топширилгани барча

муолажаларни шу жойнинг ўзида амалга оширишга имкон яратаяпти.

Ички аъзоларни текширадиган ва даволашда фойдаланиладиган тиббий ускуналар билан бирга, энг сўнгги русумдаги тиш даволаш аппарати ўрнатилди. Ана шундай ғамхўрликлар туфайли бўлишимиз замон билан ҳамнафас қадам ташламоқда.

Хусанжон МИРСАЙИДОВ, Наманган вилояти ИИБ Тиббиёт бўлими бошлиғи, капитан.

Қонунчилиқдаги ўзгаришлар

ПИРОТЕХНИКА УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

2010 йил 22 сентябрдаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан пиротехника буюмлари муомаласи тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритилди. Чунончи, Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс тегишли равишда 250¹ – ва 185¹ – «Пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи» моддалари билан ўлдирилди. Уларга мувофиқ, пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, улардан фойдаланиш, ҳудди шунингдек уларни қонунга хилоф равишда мамлакатга олиб кириш (ундан олиб чиқиш) ёки ўтказиш жарима солиш-

дан бошлаб (энг кам иш ҳақининг 5 бараваридан 20 бараваригача – маъмурий жавобгарлик) озолиқдан маҳрум қилишгача (10 йилгача муддатга – жиноий жавобгарлик) билан жазоланади.

Шунингдек, энди пиротехника буюмларини (ҳарбий максатдаги маҳсулотлардан ташқари) яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, реализация қилиш, улардан фойдаланиш, уларни йўқ қилиш ва утилизация қилиш ҳам лицензия талаб қилинадиган фаолият турлари бўлиб ҳисобланади.

Мазкур Қонун 2010 йил 23 сентябрдан бошлаб қўчга кирди.

ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИЛДИ

2010 йил 22 сентябрдаги Ўзбекистон Республикасининг қонуни билан айрим

қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Фуқаролик кодексига киритилган қўшимчаларга мувофиқ, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари мажбурий ижро этилаётганда ундирув гаровга қўйилган мол-мулкка қаратилган бўлса, гаровга олувчи қўйидаги ҳолларда гаров билан таъминланган мажбуриятни муддатидан илгари бажаришни талаб қилишга, агар унинг талаби қондирилмаса, ундирувни гаров нарсага қаратишга ҳақли. Белгиланишича, агар гаровга олувчи ушбу ҳуқуқдан фойдаланмаган бўлса, гаров тугатилади, бундан гаровга қўйилган мол-мулк реализация қилинмаганлиги ва талаблари гаров билан таъминланмаган кредиторларнинг ўз талабларини қаноатлантириш учун мазкур мол-мулкни қабул қилишни рад этганлиги ҳоллари мустасно.

Юксак мукофот соҳиблари

ОМАД ҲАЗ-ҲАЗИДАН КЕЛАВЕРМАЙДИ

Фаргона вилояти ИИБ тергов хибсхонаси бошлиғи, подполковник Адҳамжон Эсонов қизини турмушга узатаётган экан. Шу боис у киши билан нари борса ўн беш-ийгирма дақиқа суҳбатлашишга имкон топдик, холос. Аммо шунда ҳам унинг уяли телефони кўп халақат берди. Дўст-ёрлари ҳар икки-уч дақиқада кўнғирок қилиб, тинмай муборакбод этишарди... Сабаби – суҳбатдошимиз Ички ишлар идоралари ходимлари кўни муносабати билан Ватанимизнинг юксак мукофоти – «Меҳнат шухрати» ордени билан мукофотланди.



си, агар қайта тугилиш-у, қайта касб танлаш имконияти пайдо бўлса, яна шу соҳани деган бўлардим. Адҳамжон Эсонов Навоий вилоятида жазони ижро этиш муас-

сасасида турли лавозимларда хизмат қилиб юрган кезларидаёқ билим ва малакасини такомиллаштириш пайда бўлди. Кейинчалик ИИБ олий мактабиди сиртдан таҳсил олди.

Халол меҳнати билан раҳбарлар эътиборига тушди. Қўқон шаҳар ИИБ, тергов бўлими терговчиси, кейинроқ эса ИИБ бошлиғининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари этиб тайинланди.

Мана, тўрт йилдирки, подполковник Адҳамжон Эсонов вилоят ИИБ тергов хибсхонаси раҳбари сифатида фаолият кўрсатиб келаётди.

– Тергов хибсхонасидаги хизмат ўзига хос жиҳатлари билан кескин фарқ қилади, – дейди Адҳамжон Эсонов. Бу ерда биринчи жараҳат жиноят-процессуал қонунчиликка қатъият билан риоя этилишини таъминлаш фоят муҳим аҳамият касб этади.

Бунинг учун эса шахсий таркиб ходимлари ўртасидаги тартиб-интизомни, уларнинг хизматга бўлган муносабатларини мустаҳкамлаш, уларнинг жисмоний, жанговар ва касбий тайёргарликларини ошириб бориш талаб этилади.

Раҳмонали ҚОСИМОВ, Бўрибой ОМОНЗОДА. Фаргона вилояти.

Суратда: «Меҳнат шухрати» ордени соҳиби подполковник Адҳамжон Эсонов.

ХИЗМАТДА ТОВЛАНГАН ХОДИМ

Валижон ички ишлар тизимида 1993 йилдан буён фаолият кўрсатади. Патруль-пост хизмати сир-асрорларини ҳам мукамал ўзлаштириб олганлардан. Топшириқларни аъло даражада бажариши билан ҳамкасбларига ҳамisha ўрнак.



– Катта сержант Валижон Абдурахмонов жисмонан бақувват, маънан етуқлиги билан алоҳида ажралиб туради, – дейди вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони командири, подполковник Рустамжон Жалолдинов. – У ўзининг касб маҳоратини ўқув-амалий машғулотлар ва ўтказилаётган тезкор тадбирлар вақтида мунтазам ошириб бормоқда. Ҳамкасбларидан билганларини аямайди. Унинг шогирдлари, сержант Улугбек Фахриддинов, кичик сержант Эркинжон Мирзаев каби устозлари тажрибасидан баҳраманд бўлиб, хизматда ҳамisha хушёр ва зийрак туришди ҳамда Андижон шаҳри марказидаги қўчаларда жамоат тартибни сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш йўлида кўплаб жиноятларнинг «иссиқ изида» очилишига эришмоқда.

Жумладан, Андижон шаҳридаги вилоят ўлкашунослик музейи ҳудудида фуқаро Э. Ғаниевни икки номаълум шахс кўрқитиб унинг ёнидан катта миқдордаги пулларни олиб воқеа жойидан қочиб кетган. Жабранувчи дарҳол ушбу ҳудудда хизмат қилаётган ППХ ходимларига мурожаат қилиб, воқеани баён этади. Гуруҳ командири, катта сержант Валижон Абдурахмонов сержант Улугбек Фахриддинов ва сафдор Шодомбек Исмоиловлар билан ҳамкорликда олиб борган тезкор ҳаракатлари натижасида ушбу талончилик жиноятини содир этган шахслар ушланди. Улар муқаддам судланганлар К. Ҳотам ва С. Усмоновлар бўлиб чиқди.

Шунингдек, катта сержант Валижон Абдурахмонов ва унинг шогирдлари хизмат вақтида гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш, сақлашда гумонланётган шахсни ҳам ушлашга муваффақ бўлишди.

Бу каби мисоллар катта сержант В. Абдурахмонов хизматида кўплаб учрайди. Муҳими, у фуқаролар осойишталигини таъминлашда ҳамкасб ва шогирдлари билан ҳамisha масъулиятни ҳис этиши эътиборга лойиқдир.

– Дастлаб хизматни бошлаган кезларим майор Авазбек Давронов, катта сержантлар Дониёр Қорахўжаев, Набижон Эркабоевнинг ўғитларини, панд-насихатларини олганман, – дейди у. – Сабоқларга амал қилаётганлигим хизматларда асқотаяпти. Берилган мукофот биргина менга эмас, балки елкама-елка туриб хизмат қилаётган жамоадор ҳамкасбларимнинг ҳам ютуғидир.

Уз касбининг фидойиси катта сержант Валижон Абдурахмоновнинг издошлари унинг ҳар бир нарсани назардан четда қолдирмасдан масъулият билан ишлашига ҳавас қилишади.

Борис КЛЕЙМАН.

Суратда: катта сержант Валижон Абдурахмонов сафдор Ҳаётилло Насриддинов билан келгуси вазифалар ҳақида суҳбатлашмоқда.

Аслида ҳаммада ҳам муайян бир соҳага йўналтирилган иқтидор бўлади. Аммо камолот пиллаюясига кўтарилиш учун шунинг ўзига етарли эмас. Касбни ардоқлашга, билим, тафаккур ва касбий кўникмаларини тинмай такомиллаштиришга ўзида куч-қувват, сабр-тоқат, матонат топа олсагина ниятига етади.

Суҳбатимиз бошидаёқ Адҳамжон акага ноанъанавий савол билан мурожаат қилдик:

– Агар ҳуқуқ-тартибот соҳасини танламаганингизда қайси касбнинг этагини тугган бўлардингиз?

У киши бир муддат ўйланиб қолди, кейин эса хиёл қулимсирган ҳолда:

– Ростини айтсам, бунга тасаввур ҳам қилолмайман, – дея жавоб қилди. – Ички ишлар идораларидаги хизмат фаолиятим 1980 йилда бошланган. Чимкентдаги ўрта-маҳсус милиция мактабиди ўқиб юрган кезларимдаёқ касб танлашда асло янглишмаганимга иқдор бўлганман. Турғи-

– Эшлигида ички ишлар ходимларини кўрган Ойбек Пардаевни завқ ва ҳаяжон босар эди. Уларнинг эгнидаги кийимларни қачонлардир ўзида кўришни, шу либос билан шахдам қадам ташлаб юришни орзу қиларди. Кейинчалик у улғайга, қатъий тўхтамга келди. Эсида, бир гал она тили ва адабиёт дарсида иншо ёзишганди. «Ким бўлсам экан» мавзуси уни иккилантирмади. Ички ишлар ходими бўлман, дея ёзди. Эртасига муаллими яхши касбни танлабсан, қароринг қатъийми, деб сўраб қолди. Бу фикрга бошлангич синфда ўқиганимда хулосага келганман, деди у. Ундай бўлса, эл-юрт посбонлари сифати яна бир нафарга кўпайишдан хурсандман, деди устози мамнунлик билан.

– Айтмоқчи, бу касб аввало, фидойилик ва жисмонан эпчиллиқни талаб этади. Бўш вақтларингизда ёнимга келсанг, ҳар иккисидан ҳам имкон даражасида ўргатаман, – қўшиб қўйди у.

Йиллар ўтди. Ойбек республика ИИБ Академиясининг ҳуқуқшунослик мутахассислигини тамомлади. Шу йилнинг ўзида Сурхондарё вилояти Денов тумани ИИБ жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўлинимасининг тезкор вакили вазифасида хизматни бошлади. Бу ерда уч йил керакли тажриба орттирди.

Ишнинг самарадорлиги, жиноятларни кўнгил билан ўрганиш, уларни аниқ ва тез очиб талаб этилар эди. Серғайрат ходимини кейинроқ вилоят ИИБ ЖК ва ТҚКБ туманлараро бўлинимаси тезкор вакили, сўнг катта тезкор вакили, ўтган йилдан эса вилоят ИИБ Тоғли ҳудудлардаги жиноят қидирув бўлинималари фаолиятини таҳлил қилиш ва мувофиқлаштириш бўлимининг

Мазкур, тоғли ҳудуд жиноят қидирув бўлими тезкор гуруҳи ходимлари томонидан қонунга хилоф равишда гиёҳвандлик моддаларини сақлаш ва уларни сотиш билан боғлиқ ҳолатлар бўйича жиноятчилардан 44 кг дан ортқ гиёҳвандлик моддалари, 395 туп кўнор, 3 дона ўқ отар қуроллар, 15 дона ўқ-дори, 148 та диний адабиётлар, 54 дона аудио ва видео кассеталар

МАСЪУЛИЯТНИ ЯНАДА ОШИРИБ...

ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили лавозимига тайинланди.

Айни пайтда тажрибали ходим ўз ҳамкасблари билан тоғли ва чегара ҳудудлари орқали ноқонуний равишда вилоятимиз ҳудудига қурол-яроғ, ўқ-дори, портловчи моддалар, мамлакатимизнинг амалдаги конституциявий тузумига қарши қаратилган турли мазмундаги адабиёт ва варақалар ҳамда катта миқдордаги гиёҳванд моддалар кириб келишига йўл қўймаслик бўйича амалий ишлар олиб боришмоқда.

юртимизга олиб кирилаётганда ушлаб қолинди.

Фуқаролар фаровонлиги ва тинчлиги таҳдид солувчи, юртимиз ободончилигига путур етказувчи бундай жиноятга бошловчи аломатлардан бирига тўхталдик, холос. Аммо Ойбек Пардаевнинг ўтган йиллардаги хизмат жараёнида мазкур ҳолатлар сингари қўнғибузариқларнинг ҳамда уларга қарши муроасасиз бўлиш, пайини қирқиш, зарур пайтда жонини ҳам аямаса хизмат қилиш билан боғлиқ ҳолатлар жуда кўп учрайди.

Қутлов

Ҳамкасбимиз Қобилжон Шокировнинг ички ишлар идоралари ходимлари кўни арафасида «А'ю хизматлари учун» кўкрак нишон билан тақдирланганини эшитиб қувониб кетдим. Сидқидилдан қилинган хизмат, интилувчанлик, излаш ташаббус пайти келиб ўзининг муносиб баҳосини топишига яна бир бор амин бўлдим.

ИЖОДИЙ БАРАҚАМОТЛИК ПАЛЛАСИ


Бу гапларни беркорга айтаётганим йўқ. Боиси Қобилжоннинг тахририятимиздаги ижодий фаолияти шундоқ кўз олдимда кечди. Гўёки кўни кеча жамоамизга келиб қўшилган эди. Ушанга ҳам хаш-паш дегунча етти йилдан ошди. Шу давр ичиди старшиналикдан капитан даражасигача етди. Оддий муҳбирликдан бош муҳаррир ўринбосари лавозимигача бўлган йўлни босиб ўтди. Гап фақат унво лавозимларга эмас. Гап шундаки, журналистликнинг заҳматини ҳам чекди, завқини ҳам тотди. Керак бўлганда маҳсус сонларни чиқариш пайтида тонгача навбатчилик қилди. Заҳурат турилганда газета босмахонага топширилаётган кўннинг ўзида икки-учта лаб тадбирларда иштирок этиб, шу кўннинг ўзидаёқ ушбу тадбирлар ҳақида қизқарли, ҳозиржавоб мақолалар тайёрлади.

ган кенг миқёсли профилактик тадбирларда фаол қатнашиб келаётганини ҳам алоҳида таъкидлаш бўлардим. У 2009 йилда ИИБ Бирлашган тахририяти бош муҳаррир ўринбосари этиб тайинланган, иқтидорининг янги қирралари намоеён бўлди. Хусусан, ёш журналистларга ўз услубларини топиб олишларида ақиндан ёрдан кўрсатаётди. Қолаверса, ўзи ҳам ижоддан тўхтаб қолгани йўқ. Ташкилий ишлардан, тахрир жараёнидан ортиб, ўзига хос, таҳлилий мақолалар ёзишга вақт топаётди.

– Муҳтарам вазириимиз Б. Матлубов томонидан камтарин хизматим юксак баҳоланиб, «А'ю хизматлари учун» кўкрак нишон билан тақдирланганим нафақат менга, балки Бирлашган тахририятимиз жамоасига кўрсатилган ҳурмат-эътибор намунаси деб биламан. Бундан кейин ҳам бор куч-имкониятларимни газета ва журналларимизнинг янада сифатли ва мазмундор бўлишига сафарбар этман, – дейди Қ. Шокиров.

Хозир Қобилжоннинг айни ижодий куч-қувватга, ғайратга тўлган пайти. Ҳамкасбимизга мукофот муборак деймиз, нашрларимизнинг бундан-да қизқарли, мазмун-мундарижаси бой бўлиши йўлидаги излашларида муваффақиятлар тилаймиз.

Бобомурод ТОШЕВ.



Бу гапларни беркорга айтаётганим йўқ. Боиси Қобилжоннинг тахририятимиздаги ижодий фаолияти шундоқ кўз олдимда кечди. Гўёки кўни кеча жамоамизга келиб қўшилган эди. Ушанга ҳам хаш-паш дегунча етти йилдан ошди. Шу давр ичиди старшиналикдан капитан даражасигача етди. Оддий муҳбирликдан бош муҳаррир ўринбосари лавозимигача бўлган йўлни босиб ўтди. Гап фақат унво лавозимларга эмас. Гап шундаки, журналистликнинг заҳматини ҳам чекди, завқини ҳам тотди. Керак бўлганда маҳсус сонларни чиқариш пайтида тонгача навбатчилик қилди. Заҳурат турилганда газета босмахонага топширилаётган кўннинг ўзида икки-учта лаб тадбирларда иштирок этиб, шу кўннинг ўзидаёқ ушбу тадбирлар ҳақида қизқарли, ҳозиржавоб мақолалар тайёрлади.

Фахрийлар-фахримиз

Осойишталик посбонлари юртининг юзи. Навоийлик Саидҳамад бобо Мадаминови ана шу касбдагиларнинг устози дейиш мумкин. У кишига ҳавас қилаётганлар кўп. Ўзидан, бола-чақадан тинган, касбидан баракка топган, кексалик гаштини сураётган ва ёш ички ишлар ходимларига панд-насихату, ўринли тарбия беришда жонбозлик кўрсатаётган шу инсонга ҳавас қилса арзийди.

Истеъфодаги полковник Саидҳамад Мадаминов бу йил саксон бир ёшни қаршилаётган бўлсалар-да, вилоят ИИБ Фахрийлар кенгаши раиси сифатида ҳамон фаолият кўрсатаётди.

– Вилоятимизда уч ярим минг нафардан ортқ ички ишлар идоралари фахрийлари истиқомат қилади. Эл тинчлиги ва осойишталиги йўлида ёшлик шижоатини бахшида этиб, айни чоғда кексалик гаштини сураётган фахрийларимиз бошқарма раҳбариятининг эътиборида, – дейди С. Мадаминов. – Улар билан байрам ва тадбирларда учрашиб тураемиз. Бемор фахрийларимиз ҳолидан хабар олиш, ёшларга тажрибаларимизни, шарафли ва машаққат-

ЎТЮРАК ЎҒЛОНЛАР УСТОЗИ

ли касб моҳиятини тушунтириб бориш аънаанага айланган.

Саидҳамад бобо вилоятдаги барча туманларни ҳар йили бир-икки марта айланади. Елғиз ўзи эмас, албатта. Истеъфодаги полковниклар Пўлат Ботиралиев, Мустафо Бобоқолов ҳамда подполковник Бахтиёр Муртазов сингари ўринбосарлари ҳамкорлигида тарғибот ва ташвиқот ишлари ўтказиб, ёш ходимларга тажрибалардан ўргатиб боришмоқда. Хизматда суяғи қотган, ҳаётда кўзи пишган бундай қарияларнинг кўп йиллик бой тажрибаси ёшлар учун намуна мактаби бўлапти.

– Дадам қариллик гашти нималигини билмай, ўтиб кетдилар, – дея хотирлайди бобо. – Онам Хосиятхон олти болани игна билан боқди, десам ишонинг. Чунки у киши дўппи тикардилар. Бир-биридан чиройли, беҳирим дўппиларни ўзимиз тузилиб ўсган Шаҳрихон бозорига сотиб, егулик олиб келардилар. Айниқас, уруш йиллари яшаш анча қийин кеч-



ди. Ҳатто шундай кўнлар бўлдики, уйдаги майда-чўйдоларни ҳам сотиб, тирикчилик қилдик. Қисқаси, саккиз ешимдан оғир меҳнат қилишга қўнқандим.

Йиллар ўтди. Бир кўни онам ёнларига қақриб «ўғлим ўқийсан, олий

маълумотли бўлмасанг, кейин афсусланди, юрсан» дедилар ва Андижон педагогика институтига ҳужжатларимни топширдим. Уша йили имтиҳонлардан ўтиб, талаба бўлдим.

1949 йил ўқини тугатдим. Уша

йиллар ички ишлар ходимлирига талаб катта эди. Онам билан маслаҳатлашиб, шу соҳада иш бошлагандим. Мана, ёшим ҳам саксондан ошди. Эл-юрт осойишталиги йўлида хизмат қилиб, кам бўлмадим. Насиб этса, ҳали кўплаб шогирдларга, соҳадошларга айтадиганларимиз, ўргатадиганларимиз бир талайми.

Ҳа, Саидҳамад бобо Элвера ая билан икки қиз ва бир ўғил ўстириб, элга қўйишди. Тўнғич қизи подполковник Холида Мадаминова ота изидан бориб, бир неча йиллар ички ишлар тизимида фаолият кўрсатиб, ҳозирги вақтда нафақада. Улар фарзандлари билан фахрланяпти. Ҳаммаси ўқимшли, касб-корли. Ўзлари эса беш нафар набиранинг бобо ва бувижониси бўлиб, ҳамisha оила даврасини тўлдириб туряпти...

Мирзо АҲАДОВ.

Навоий вилояти.

Суратда: истеъфодаги полковник С. Мадаминов ёш ходимлар лейтенант Ихтиёр Сулаймонов ва кичик сержант Анвар Жўраевларга ўз тажрибаларини гапириб бермоқда.

Тухфа БАЙРАМГА ЯНГИ БИНО

«Тўйга тўёна билан» деганларидек, 25 октябрь – Ички ишлар идоралари ходимлари кўни арафасида Навоий вилояти ИИБ раҳбарияти ташаббуси билан вилоят ҳокимлиги ва бир қатор хомий ташкилотлар кўмағида бошқарма манзил-маълумот буюроси ҳамда Навоий шаҳар ИИБ паспорт бўлинимаси учун янги маъмурий бино қуриб битказилди.

Янги бинонинг тантанали очилиш маросимида вилоят ҳокими Эркинжон Турдимов иштирок этиб, йилгиланларни қувончи кўн билан қизгин муборакбод этди. Шундан сўнг табрик учун сўз

қасида паспорт тизимини янада такомиллаштириш тўғрисидаги Фармони асосида бунёд этилган мазкур бино нафақат ички ишлар ходимлари иш самарадорлиги, балки аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини ҳам оширишга хизмат қилишини таъкидлади.

Сўнгра тадбир иштирокчилари хизмат хоналари ва яратилган шароит билан танишиб чиқиди.

Абдуҳошим ЗИЁДИНОВ, лейтенант.



ИИБ Матбуот маркази хабар қилади

ТИЛЛА ЗАНЖИР ВАСВАСИСИ



Кўрилган чоралар натижасида ушбу жиноятни ҳеч қаерда ишламайдиган З. Мурод содир этгани аниқланди. 23 ёшли бу йигит энди қилмишига яраша жавоб беради.

«ИШБИЛАРМОН» ФАРРОШ

Андижон вилоятининг Шаҳрихон туманида ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланishi билан боғлиқ жиноят фoш этилди. «Асака дехқон бозори» фарроши А. Одина Найман маҳалласида 321,6 грамм марихуанани 200 минг сўмга сотаётганда ушланди.

ҚИММАТГА ТУШГАН САЁҲАТ

Тошкент вилоятининг Зангиота туманида яшовчи Р. Валерий енгил йўл билан пул топлмоқчи бўлди. У пойтахтнинг Чилонзор метро бекати олдида З. Максимжон Нисобатан куч ишлатиб, унинг пули ва «Нокия» русумли уяли телефони олиб кетмоқчи бўлганда шу ерда хизмат вазифасини ўтаётган ИИБ ходимлари томонидан қўлга олинди. Саёҳат унга қимматга тушадиган бўлди.

ЁШ ЙИГИТНИНГ КАТТА ҒАЛВАСИ

18 ёшли Ж. Бехзод Сирғали тумани 8-даҳа, 77-уй олдида Г. Туроповна томонида қаровсиз қолдирилган «Матиз» русумли автомобилнинг жайдаб қочди. Изқуварлар санокли дақиқаларда унинг изига тушиши ва қўлга олишиди. Бехзод ноқонуний хатти-ҳаракати учун жавоб берадиган бўлди.

Норали ОЧИЛОВ, катта лейтенант.

ХИЗМАТЛАРДА

Маҳалла ҳудудида истиқомат қилувчи бир фуқаро-нинг арзини тинглаган маҳалла оқсоқоли Холмамат Жамолқулов профилактика инспекторининг хузурига йўл олди.

Унинг довуғи нафақат ўзимиз, балки дунё миқёсида алоҳида ўрин тутди. Корхонага қарашли «ГДТК-2», «ДКС» масканлари ҳамда иккита коннинг йиғин ҳудудида жойлашганлиги бу ерда хизмат ўтайдиган профилактика инспектори, қолаверса, маҳалла му-

энг асосийси, ишонч бўлар экан шу жойда хотиржамлик ҳукм суриши шубҳасиз. Йиғиннинг бошқа фаоллари ҳам борки, беиминнат хизматларидан барча мамнун. Қўчабоши Норали Саидов, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Обод Абдиевалар фуқаролар йиғини ҳамда ички ишлар ходимлари ўртасида ишончли кўприк вазифасини ўташади, десак муболага эмас.

Фуқаролар мурожаати доимий эътиборда «ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ» ЁРДАМИДА



Бугунги кунда юртимизда тинчлик, осойишталик ва барқарор турмуш тарзини таъминлаш йўлида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш диққат марказида. Бухоро вилояти ички ишлар идораларига ўрнатилган «Ишонч телефонлари» уларнинг ҳақиқий таянчи, у ёки бу муаммони ҳал этиши, жиноятчиликнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этапти.

лар ўйлаган гараз ниятига етолмади. Гиждувон тумани ИИБ навбатчилик қисми «Ишонч телефони»га «Фиршкент» қишлоқ фуқаролар йиғинида ашовчи фуқаро сим қоқиб, «Бурхон-21» хусусий фирмасидаги ноҳўя ишлар ҳақида хабар берди. Ушбу фирма «Бухороўлштутсавдо» корхонасидан 12 тонна ун олиб, аҳолига сотишни пайсалга солиб юрган экан. Тезкор суриштирувларда қишлоқ аҳлини кундалик зарур маҳсулот билан таъминлашда қонунбузарликка йўл қўйилмагани маълум бўлди. Фирма раҳбари огоҳлантирилиб, дўкон сотувчисига нисбатан маъмурий баённома тузилди.

ҲАМКОРУ МАДАРКОР БЎЛИБ

«Эшонқудук» маҳалла фуқаролар йиғини Ғузор туманининг чекка ҳудудида жойлашган. Чегара ерлари қўшни Туркманистон давлати билан туташиб кетган. Йиғин таркибиде Абдуҳамид ва Эшонқудук қишлоқлари бўлиб, бу ғушаларда 2800 нафардан ортиқ аҳоли яшайди.

Истиқлол шарофати билан мамлакатимизда кўплаб саноат корхоналари бунёд этилмоқда. Ана шу муҳим масканлар қаторига «Шўртаннефтгаз» унитар шўба корхонаси қиради. Ушбу нуфузли корхонанинг мамлакат иқтисодийётига қўшаётган ҳиссаси катта.

Йилнинг ўтган даврида қайд этилган 65 та жиноятлар бўйича тақдимнома фуқаролар йиғинлари ҳамда тегишли ташкилотларга юборилди. Ушбу ҳужжатлар асосида жойларда учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этилди.

Бугунги кунда жабрланувчиларнинг ҳақ-ҳуқуқларини қонуний тартибда ҳимоя қилиш асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Шу сабабли тергов жараёнида уларга етказилган моддий зарарнинг ундирилишига катта эътибор берилаяпти. Ҳозиргача ана шундай зарарнинг аксарият қисми қопланишига эришилди.

Соҳа ходимлари йил бошидан буён 65 та жиноят ишини сифатли қўриб чиқишди. Ярашув институти қўлланган 5 та «иш» судга юборилди.

Тезкор-тергов гуруҳи аъзолари воқеа жойини синчковлик билан ўрганиб чиқиши, суриштирув ишлари моҳирона олиб борилиши натижасида содир этилган жиноятларнинг аксарияти «иссиқ изида» очилмоқда.

Қайд этилган жиноятларнинг сабабини жиддий таҳлил этиши муҳим аҳамиятга эгадир, дейди туман ИИБ тергов бўлими катта терговчиси, майор Кувондиқ Матниёзов. Буни

Ҳазорасп тумани ИИБ тергов бўлими ходимлари зиммаларидаги вазифаларни амалдаги меъёрий ҳужжатлар доирасида олиб боришга боис яхши натижалар қўлга киритилаяпти. Айни пайтда шахсий таркибнинг касбий маҳорати ва жанговар тайёргарлигини юксалтириш учун барча зарур чора-тадбирлар қўриляпти. Ўтказилаётган маърифат дарслари, кўрик-танловлар ва мусобақалар бу борада қўл келаяпти.

ҲАМЖИҲАТЛИК МЕВАСИ



инобатга олиб, жойларга юборилган тақдимномаларнинг жавобини ўз муддатига олиш, қолаверса, тақдимномалар бўйича уюштирилган муҳо-

камада бевосита терговчининг ўзи иштирок этишини таъминлаётганимиз ижобий самара бермоқда. Айниқса, маҳалла фуқаролар йиғин-



Халқа йўлининг шундоқина четиде республика ИИБ ППХ ва ЖТСББга бевосита бўйсунувчи кинолога ва кидирув хизмати итлари тайёрлаш маркази жойлашган. Киравершидаги мухташам бинонинг атрофи гўлларга бурканган. Марказ фаолиятини акс эттирувчи суратлар ўрин олган панно диққатингизни тортади. Ҳовлига киришингиз билан баҳри дилингиз очилади. Бир томонда ёзги стадион, бир томонда очик машқ майдонлари қурилган. Дид билан экилган дарахтлар, арчалар ҳовлига янада чирой бахш этади.

Пойтахтнинг бир чеккасидаги бу жойлар қаровсиз, ахлат уюмлари билан тўлиб ётган эди, дей гап бошлади бизни кутиб олган марказ бошлиғи, майор Дилшод Ҳасанов. ИИБ раҳбариятининг эътибори ва ёрдами билан кинологлар ва хизмат итларини тайёрлашга ихтисослашган саражом-сарийшта бир масканга айланди. 2008 йилдан бошлаб кинологлар ва хизмат итларини ўргатиш учун тўрт ойлик ўқув ташкил этилган. Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ва Транспорт ИИБ, Қоровул қўшинларидан йўланма билан келган ички ишлар ходимларига уч йўналиш бўйича итларни хизматга ўргатиш юзасидан машғулотлар олиб борилади ва уларга кинолог касбини эгаллагани ҳақида сертификат топширилади. Ҳозирги кунда жойлардан келган 52 нафар тингловчига из кидирув, портловчи моддалар, портловчи қурилмалар ва қурол аслаҳаларни топшириш, гиёҳвандлик моддаларини аниқлаш йўналишлари бўйича машғулотлар ўтляпти.

Марказ бошлиғининг ўринбосари, майор Шўҳрат Сулаймонов бизни кинологлар амалий машғулот ўтаётган очик майдонга бошлаб борди. Ўн чоғли йиғитлар итлар билан машқ қилишгаётган экан.

Бу тингловчилар итларни портловчи моддалар, портлатиш қурилмалари ва қурол-аслаҳаларни топширишга ўргатишмоқда, деди Ш. Сулаймонов. Улар ҳар куни ўқитувчилар ёрдами ва назорати остида итлар билан икки-уч соат шуғулланишади.

Бир йиғит майдон четидеги автобуснинг ўриндиги тағига портловчи модда солинган кутини беркитиб қикди. Кейин автобусга бир ит чиқарилди. Ит кидириб бориб, бир ўриндик ёнида овоз чикармай ўтириб, ишора берди. Бу манзарани кузатиб турган тингловчилар қувониб кетишди. Чунки ит аниқ топганди.

Мен Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ППХ ва ЖТСБ махсус отрядидан келганман, деди ўзини сафдор Бекет Бекмагамбетов деб таништирган йиғит. Дастлабки кундан мана шу «Гайда» лақабли итни ўргатиш учун топширишди. Бу вазифа анча қийин, аммо завқли экан.



Итларни доимий равишда ўргатиб, машқ қилдириб туриш лозим,

Кинология

дейди катта ўқитувчи, майор Рустам Султонов. Аммо уларни мажбурлаш ярамайди. Итлар гарчи жонивор бўлса-да, улар ҳам хоҳласа ўрганади, мажбурласангиз буйруқни бажармаслиги мумкин. Итларнинг зотиға қараб хид сезиш қобилияти турлича бўлади. Немис очваркаси, лабрадор зотли итлар ҳам тез ўрганади, ҳам хид сезиш хусусияти



ҲАМ МУРАККАБ, ҲАМ ЗАВҚЛИ (Репортаж)

учин «Рекс» лақабли итга буйруқ берилди. Ит эҳтиёткорлик билан машинанинг тағига эмакляб кириб, хидлай бошлади. Бирдан бошини қуйи эгиб, жимиб қолди.

Бу портловчи моддани топганини англатади, деди ўзини сафдор Жаҳонгир Маматов деб таништирган, Қашқадарё вилоятидан келган тингловчи. Болагимдан итларни ўргатишга кизиқман. Ниятимга этиб, кинологлик касбини эгаллаялман. «Рекс» машқларни яхши бажаряпти. Бу ерда ўқиш, амалий машғулот ўтиш учун зарур шароитлар яратилган.

Машқ майдониде машғулотларни кузатиб, тингловчиларга кўрсатма бериб турган ўқитувчиларни суҳбатга тортаман.

Итларни доимий равишда ўргатиб, машқ қилдириб туриш лозим,

ни ўйлаб бу соҳа ҳам мураккаб, ҳам завқли эканига амин бўламиз.

Эпик машқ залига ўтдик. Бу ерда шаҳар вокзали, аэропортининг кутиш зали ва юклар сақланадиган хоналарни эслатувчи макетлар тайёрланган. Бир томонда эса биналарнинг девори, хонадонлар, ишхона яшаш хоналарига ўхшаш жойлар тикланган. Бир гуруҳ тингловчилар гиёҳвандлик моддаларини топширишга ўргатилаётган итлар билан амалий машғулот ўтаётган экан. Девор орасига яширилган



оғуни топши учун буйруқ берилди. «Инга» лақабли ит бироз искаб, ишора берди. Яна бир ит юк сақлаш хонасидаги шкафта яширилган наркотик моддани аниқлади.

Машғулотларни яхши ўзлаштириётган йиғитларимиз – Сирдарё вилоятидан сержант Анваржон Назаров ва Наманган вилоятидан кичик сержант Нодирбек Мўминовлар ўргатаётган итлар анча ишончли ҳаракат қилиб, яширилган оғуни бекхитоп топяпти, дейди ўқитувчи, капитан Баҳодир Солиев.

Маълум бўлишича, ҳар бир тингловчиға биттадан ит бириктирилади. Ўқув курси давомида жониворни белгиланган йўналиш бўйича кидириб топширишга ўргатиб, ўзи билан хизмат жойига олиб кетади.

Тингловчиларнинг бир гуруҳи на-



зарий машғулотлар ўтаётган аудиторияларга йўналдик. Машғулот хоналари турли плакатлар, қўлланма, жадал ва бошқа кўргазмалар қурилган билан жиҳозланган.

Бу тингловчилар из кидирув йўналиши бўйича итларни ўргатишди, дейди ўқитувчи, подполковник Алишер Ҳасанов. Мен уларга махсус техника ва алоқа воситаларининг асослари фани юзасидан дарс берялман.

Махсус залда хизматда фойдаланиш учун ўргатиладиган итларнинг зоти, келиб чиқиши ва бошқа маълумотлар қайд этилган, тавсиялар берилган плакатларга кўзингиз тушади.

Давр шиддат билан олға бораёпти. Замон билан ҳамнафас бўлиб, ортда қолмаслик учун изланиш, ҳаракат қилиш, янгилекларни тезда ўрганиб, жорий этиш талаб этилади. Марказда ҳам кинология ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш, қўллашга алоҳида эътибор берилаяпти. Кейинги йилларда итларнинг зотиға қараб ўргатиш, хизматда фойдаланиш юзасидан чиқарилган ўнга яқин китоблар ўзбек тилига ўгирилиб, нашр этилди. Кинологлар учун зарур қўлланмалар тарқатилди. Машғулотларга янги фан киритилганини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Марказ бошлиғи, майор Д. Ҳасанов бу ҳақда тўлқинланиб гапирди: Илгари кўчқулар опти ойликдан бошлаб ўргатилади. Энди эса икки ойлик бўлганда машғулот бо-

ланапти, деди у. Бу жониворни ўрганиш ва ўргатиш учун осонроқ бўлишини мутахассислар синаб кўришган. Итларни биз илгари рефлекс тарзда ўргатишга қўниқиб қолгандик. Ривожланган давлатларда зоопсихология фани ҳам жорий этилган. Биз ҳам ана шу тажрибани жорий этдик. Унга кўра итларнинг ҳаракати, кўзлари, қулоқларини қимирлатишиға қараб мақсадини билиш мумкин. Бу кинолог учун жуда муҳим.

Спорт залининг энг замонавий анжомлар билан жиҳозлангани ҳам диққатимизни тортиди. Тингловчилар жанговар тайёргарлик юзасидан ҳам чиниктирилади, дейди майор Ш. Сулаймонов. Ўқув даври давомида уларнинг спорт билан шуғулланиши, маданий дам олишиға алоҳида эътибор берилляпти. Футбол, волейбол, кўл жанги, шахмат, шашка бўйича мусобақалар уюштириляпти. Пойтахтнинг диққатга сазовор жойларига олиб бораётиман. Темирйиллар тарихи давлат музейи, Хаста имом мажмуасига қилинган саёҳат айниқса мазмунли бўлди. Марказдан бир олам таассурот билан қайтдик. Ички ишлар идораларининг муҳим тизимларидан бирини такомиллаштиришға катта эътибор берилляётгани фахр-ифтихор туйғуларини уйдотди.

Садриддин ШАМСИДДИНОВ. Суратларда: марказ фаолиятдан лавҳалар. Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.

Маърифат дарси

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов – «Жамиятининг ҳақиқий бойлиги, бу – инсон, инсон авлодидир. Кишилик жамияти эл-юртга, ватанига садоқатли, иймон-эътиқоди бутун, мард ва жасур, малакаси етук, маънавияти юксак инсонлар билан ҳақли равишда фахрланади. Бу улугвор, бетимсол бойлик ҳар қайси давлатнинг қудратли салоҳият мандаидир» дегандилар.

Инсон бўла туриб Инсон ҳақида ўйлашнинг ўзгача гаши бор. Вужудинг, руҳинг унинг имкониятларини ҳис этиб туради. Ақлнинг қай тарзда йўл тутиш кераклигини кўрсатади. Кўнглинг ўз измига бошлади. Ҳаёлинг эса еру осмон ўртасида бемалол кезиб юради. Нақадар олий бахт! Инсонликнинг беқибс нафосати. Халқимизнинг таниқли шоири Эркин Воҳидов «Инсон» қасидашда жуда топиб айтганлар:

Собиту сайёрада
Инсон ўзинг, инсон ўзинг,
Мулки олам ичра бир
Хокон ўзинг, султон ўзинг.

Диний ва дунёвий китобларда ҳам ҳазрати инсоннинг шаъну-шавкати унинг қалб туйғулари беҳад улугланади. Шу билан бирга, унда салбий хусусиятлар борлиги ва уларни бартараф этиш зарурати ҳақида ҳам сўзланади. Жумладан, Куръони каримда «Инсон» сураси бўлиб, унга битилган тафсириларда шундай дейилади:

«Ушбу сурада Аллоҳ таоло инсон зотини қай тарзда йўқдан бор қилгани ва уни ҳаётга йўллагани тўғрисида оятлар зикр қилинган, дунёдан қоғирлик билан ўтдирилган кимсаларнинг қиёмат куни топажак оқибатлари ва иймон аҳлининг охирада эришадиган абадий саодати хусусида батафсил хабар берилган».

Бу ҳақиқатни ҳамма чуқур англаб етмоғи зарур. Чуқур англаш учун эса инсон аввало ҳаётдаги эрки, ҳуқуқи, бурчи ва масъулиятини яхши билиши шарт. Барчамиз учун дастурламал бўлмиш Конституциямизда бу ҳақда

ИНСОН ЭРКИ, ҲУҚУҚИ, БУРЧ ВА МАСЪУЛИЯТИ

батафсил битиб кўйилган. Хусусан, иккинчи бўлимнинг «Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари» деб аталганининг ўзи ҳам унинг инсонларварлик тамойилларга асосланганлигини далolat. Бўлим моддаларида асосий ҳуқуқларнинг кафолатлини ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан, 18-моддада шундай дейилади:

«Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар қонун олдида тенгдирлар».

Инсон эрки, озодлиги ҳамиша халқлар, миллатларнинг орузи бўлиб келган. Мустақилликка эришиш орузи биринчи галдаги вазифа саналган. Халқимиз тарихига назар ташласак бунинг эркин кўриши мумкин. Кимлар келиб-кетмади бу юртга. Барчасининг мақсади битта – бойлик орттириш бўлган. Жабрдийда халқимиз неча асрлар қарамликда, босқинчиликда бўлиб остида яшашга мажбур бўлган. Не бахти, сиз-у бизга эркин Ватанда яшаш саодати насиб этди. Бунинг беҳад қадрламоқ керак. Юртбошимизнинг шу мақсадини кўзлаб айтган куйидаги сўзлари ибратидир:

«Эндиги асосий вазифа кишиларимизнинг мушаккил фикрлашга урганиши, ўзига ишончининг орта боришидир. Чунки тафаккур озод бўлмаса, онг ва шур таъзиқдан, кулликдан қутулмаса, инсон тўла озод бўлмайди». Айтиб ўтиш жоизки, аввало, инсон эркинликлари давлат ҳимоясидадир.



Қаерда инсон эркинлигига даҳл қилинса, тегишли ташкилотларга мурожаат этиб, ўзимизни ҳимоялашимиз мумкин. Бу ҳоқ виждон эркинлиги, хоқ ижод ёки бошқа эркинликлар бўлсин. Конституциямизнинг 29-моддасида шундай битилган: «Хар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин».

Халқимизнинг яна бир сеvimли шоири, устозимиз Абдулла Орипов машҳур «Инсон қалби» шеърда ёзганидек:

Инсон қалби билан ҳазиллашманг Сиз,
Унда миллат яшар, унда тил яшар.
Унда аждод фахри яшайди сўзсиз,
Унда истиқомат қилади башар.

Дарҳақиқат, Инсон эрки ва ҳуқуқлари бири-бири билан узвий боғлиқдир. Биз ўз ҳуқуқларимизни яхши билсак, жамиятда нақадар юксак мавқега эга эканлигимизни тушуниб етамиз. Қонунларда битилган ҳуқуқларимизни санаб адоғига етиш қийин. Мухтасар айтганимиз бўлса, энг аввало, бизга яшаш ҳуқуқи берилган. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноят ҳисобланади. Сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларимиздан келиб чиққан ҳолда хар биримиз давлат ишларини бошқаришда бевосита иштирок этишимиз мумкин. Билим олиш, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш, дам олиш, меҳнат қилиш, мулкдор бўлиш, касб танлаш каби ҳуқуқларимиздан фойдаланишимиз ҳаётда ўз ўрнимизни топишда катта ёрдам беради. Шахсий даҳслислик ҳуқуқлари эса хар хил хуружлардан асрайди, турар жой даҳслислигини таъминлайди. Давлатимиз раҳбари «Юксак маънавият – енгилмас куч» асаридида шундай битадилар: «Инсоннинг энг улугвор ва муқаддас ҳуқуқларидан бири – бу тинч яшаш ҳуқуқидир. Давлат ва жамиятнинг бурчи ана шу ҳуқуқларни барча қонуний воситалар билан кафолатлаб беришдан иборатдир».

Ўзбекистон мустақилликка эришган, инсон ҳуқуқлари устуворлигини таъминлаш бо-

расида жуда катта ишлар қилинди. Инсон ҳуқуқи ва эркинликларига доир бир қатор халқаро ҳужжатлар тан олинди. Халқ орасида «Инсон ҳуқуқи ва эркинликлари декларацияси», «Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида Халқаро Пакт», «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида Халқаро Пакт ва факультатив Баённома» каби ҳужжатларни тушунтириш борасида тарғибот ишлари олиб борилди. Ривожланган давлатлар таърибаси сиёсий кўрсатдики, инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш учун яна миллий институтлар зарур экан. Давлат ва инсон ўртасида боғловчи вазифасини ўтовчи бундай Омбудсман институтлари бугунги кунда 100дан зиёд мамлакатда фаолият кўрсатмоқда. Бундай институт ва нодавлат ташкилотларнинг эшиклари инсон учун доимо очик бўлиши ва уларнинг ёрдами бегараз эканлиги характерли хусусият саналади. Бу борада юртимизда кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Олий Маҳлисида маҳсус комиссия фаолият кўрсатмоқда.

Конституциямизнинг 2-бўлим 11-боби «Фуқароларнинг бурчлари» деб номланади. Жумладан, 47-моддада: «Барча фуқаролар Конституцияда белгилаб кўйилган бурчларини бажардилар» дейилади. Бизда азалидан хар бир инсоннинг бурчи муқаддас китобларимизда белгилаб кўйилган. Бу бурчлар халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Албатта, энг биринчи галдаги бурч – бу Ватанини ҳимоя этмоқ, уни қўз қорачиғидек асрамоқ ва жондан азиз билиб сеvimоқдир. «Ватанини сеvimоқ иймондандир» ҳадиси шу

бурчга мувофиқ келади. Президентимиз айтганларидек: «Буюк давлат қуришни кўзлаб, порлоқ келажак учун, фарзандларимиз иқболи учун, авлодларга озод ва обод Ватан қолдирмоқ учун яшаш ва ҳалол меҳнат қилиш Ўзбекистонда истиқомат қилаётган хар бир инсоннинг муқаддас бурчидир».

Қонунда белгиланган тартибда харбий ёки муқобил хизматни ўташ, тарихий, маънавий ва маданий меросни, атраф-муҳитни асраш, солиқ ва маҳаллий йиғинларни вақтида тўлаш каби яна кўплаб бурчларимиз борки, уларни бажармоқ хар бир виждонли кишининг инсоний фазилатидир. Жамиятимиз ривожланмоғи, инсонлар камол топтомоғи учун ҳамма бир тану, бир жон бўлиб ҳаракат қилмоғи лозим. Кимлардир бу ишларга бегарқ бўлар экан, ўзбекона айтганда, аравини орқага тортар экан, жараён жуда узоқ давом этиши мумкин. Ғайри кўчлар, жамият тараққиётига тўқунлик қилувчи кимсалар бор экан, фидойи инсонлардаги масъулият янада ортиб бораверади. Ватанга муҳаббат, меҳр-оқибат, одамийлик, ўзга миллат ва элларга нисбатан ҳурмат-иззатда бўлиш ўзбек халқига хос азалий одатдир. Ешларни айнан шу рўнда тарбия этиб боришимиз керак. Масъулият ҳисси барча-барчада бўлмоғи зарур.

«Юксак маънавият – енгилмас куч» асарининг қай бир варағини очманг, Юртбошимиз битган сўзлар тағидан шу маъно келиб чиқаради. Нега? Чунки масъулият инсонни эзгу ишларга бошлайди, ёмон йўлдан қайтарди, ўзлигини англашга ёрдам беради. Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек: «Инсон ўзлигини англагани, насл-насабини чуқурроқ билгани сари юрғида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиқ отиб, улғая боради. Бу илдиқ қанча теран бўлса, тугилиб ўсган юрта муҳаббат ҳам шу қадар юксак бўлади».

Ватан бизни еб-ичиради, кийинтиради, улғайтиради, камол топтиради. Виждонли кишилар бу аҳлиликларга ўз садоқати билан жавоб беради, албатта.

Чоршамъ РЎЗИЕВ.

Сиёсий-ижтимоий сабоқ

ПАРЛАМЕНТАРИЗМ ВА КЎППАРТИЯВИЙЛИК – ДЕМОКРАТИК ПРИНЦИПЛАР АСОСИ



Демократия нима?

Кўплар бу саволга: «Демократия – сўз эркинлиги», – деб жавоб беради. Бирок бу ижтимоий-сиёсий қадриятнинг сўз эркинлигидан ҳам олдин турадиган талай асосий жиҳатлари бор.

Биринчиси шуки, демократик ижтимоий-сиёсий тузумда давлатни халқ кўпчилиги овоз билан сайлаган шахс бошқаради.

Иккинчиси, демократик ижтимоий-сиёсий тузумда қонунни халқ кўпчилиги овоз билан сайлаган ваколатли шахслар қабул қилади.

Учинчиси, демократик ижтимоий-сиёсий тузумда тенглик энг асосий қатъиятлардан бири ҳисобланади.

Тўртинчиси, хар бир шахсга тенг ҳуқуқ ва эркинликлар берилди (сўз эркинлиги ҳам шунинг ичиди), хар кимнинг гардианига бир хил бурчлар юкланади ва ҳоказо.

Хўш, халқ қандай ҳуқуқимизни бошқаради? Ана шу саволга тўлиқ жавоб берилса, ўз-ўзидан, парламентаризм ва кўппартиявийлик айнан халқ ҳокимиятини таъминлайдиган муҳим механизм сифатида хизмат қилиши ҳамда демократик принциплар асоси экани ойдинлашади.

«Парламент» французча парлар, яъни сўзламоқ сўзидан ясалган атама. У расмий сўзлашми жойи, нотўлиқ қошонаси, суҳанхона маъноларини англатиб, бора-бора давлатнинг қонун чиқарувчи олий органини билдирадиган бўлган. Хар қандай давлатнинг қонун чиқарувчи ҳокимияти, ўзида қандай аталшидан қатъи назар, умумий қилиб парламент дейилаверади.

Парламентлар бир палатали ёки икки палатали бўлиши мумкин. Республикаимизда 2005 йилдан икки палатали парламент иш бошлади: Қонунчилик палатаси – қуйи, Сенат

эса – юқори палата ҳисобланади.

Парламент ваколатига мамлакат Конституциясини қабул қилиш, унга ўзгартириш ва қўшимчалар кириштириш, ички, ташқи сиёсатнинг асосий йўналишларини белгилаш, стратегик давлат дастурини, қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимияти тизимининг ваколатларини аниқлаш, давлат таркибига янги ҳудудларни қабул қилиш ёки уларни давлат таркибидан чиқариш ҳақидаги қарорларни тасдиқлаш, бож, валюта ва кредит ишларини қонун йўли билан тартибга солиш, маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларини тартибга солиш, республика чегараларини ўзгартириш, давлат бюджетини қабул қилиш, унинг ижросини назорат қилиш ва бошқа ваколатларни амалга ошириш кирлади.

2005 йил январидан мамлакатимизда Олий Маҳлиси икки палатали парламент сифатида иш бошлади. Икки палатали парламентнинг афзалликлари шундаки, хар бир қонун икки палатада алоҳида-алоҳида кўриб чиқилади, обдон муҳоказмадан ўтказилади, пишигилади, сўнг қабул қилинади.

Хўш, мамлакатимиз парламентида икки палатанинг мутлақ ва биргалликдаги фаолиятлари нимадан иборат? Бу ваколатлар айнан Ўзбекистон Республикаси Конституциясида аниқ белгилаб кўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида аёниги, Олий Маҳлиси Қонунчилик палатаси ҳамда Сенатнинг биргалликда амалга оширадиган вазифалари ҳам бор, шу билан бирга, бу икки палатанинг алоҳида-алоҳида фаолияти жуда кўп.

Парламентаризм ва кўппартиявийлик – бир-бирига чамбарчас боғлиқ тушунчалар.

Хамонки, жамият тубдан ислоҳ бўлаётган экан, уни ким бошқариши масаласи ҳам, бунинг баҳолаш мезони ҳам бутунлай ўзгаради. Бирданига тасаввуримизга сиғдириш, ҳазм қилиш қийинроқ бўлса ҳам, очик айтиш керак: энди жамиятни давлат бошқаради, деган қарашни моҳиятан «демократик тузум» тушунчаси ҳам, «ҳуқуқий давлат» атамаси ҳам, «фуқаролик жамияти» истилоҳи ҳам инкор этади.

Чунки президентлик бошқаруви асосидаги мамлакатда давлат раҳбарини ҳам, давлатнинг қонун чиқарувчи ҳокимияти вакилларини ҳам халқ сайлайди. Демак, фуқаро (мантқиҳан – жамият) шу тарихи икки жиҳатдан давлат бошқарувида даҳлдорлик қилади, яъни бу икки муҳим масала ечимида ўз фикри – нуктаи назарини ифодалайди.

Демократия ёки халқ бошқаруви деган тушунчалар моҳиятида айнан президентни ва парламентни халқ сайлов билан танлаши ётади. Президентликка сайловда ҳам, парламентага сайловда ҳам номзодлар айнан партиалар тарафидан кўрсатилади, тарғиб этилади.

Президент ҳам, давлатнинг уч таркибий қисми – қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимияти ҳам фақат қонунларга амал қилган ҳолда давлат бошқарувини амалга оширади, масалалар бошқарувининг қонунда белгиланган ваколатлари доирасидагина аралашади. Давлат бошқаруви бу уч ҳокимият ўртасида ўзаро тақсимланади.

Конституциямизнинг 1-моддасидаёқ давлатнинг ижтимоий-сиёсий тузуми эълон қилинган: «Ўзбекистон – суверен демократик республика». Демократик тузумда ҳокимият алмашиб туриши қонунда қонунан амал қилинади ва айни шу жиҳати билан у авторитар, тоталитар тузумдан кескин фарқ қилади.

Хўш, ҳокимият қандай алмашади? Фақат сайлов йўли билан албатта. Бизда Президентликка, Олий Маҳлиси депутатлигига, маҳаллий вакиллик органларига сайлов бўлади. Хар қандай сайлов муқобиллик асосида амалга оширилади, яъни бир ўринга бир неча номзод кўйилади ва фуқаро яширин овоз бериш йўли билан ўзига маъқул кишини танлайди. Сиз номзодлардан ўзингизга маъқулни танлайсиз, айтилик, аёлигиниз ё ўғлингиз бошқа номзодга овоз беради. Сиз кимга овоз берганингизни улардан, улар эса сиздан сир тутиши мумкин.

Демак, сайловда айнан мафқуралар ўртасида кураш кетади. Хар бир партия кўрсатган номзоди орқали ўз мафқурасини сайловчилар ўртасида ўртага ташлайди. Кўпчилик қайси мафқуранинг маъқулласа, ўша партия номзоди ютади. Конституциямиз ва унинг асосида қабул қилинган қонунларимиз бунга йўл беради. Амалда мустақиллик шарофати билан сиёсий маданият борасида, яъни демократия соҳасида эришган энг катта ютуғимиз бу.

Бирок мафқура деганининг бари ҳам сиёсий ҳокимият учун курашга киришавермайди. Конституция бунга йўл қўймайди. Чунки жамиятда бошқа хар қандай мафқура билан сиёсий ҳокимиятни эгаллаш учун курашадиган мафқура ўртасида муайян тафовут бўлиши шарт. Шунга кўра, Ўзбекистонимиз бунёдкор, яъни яратувчи, прогрессив гоялар асосига қурилган, бошқача айтганда, қонуний мафқура учга бўлинади:

1. Давлат ҳокимиятини қонуний асосда эгаллашга қаратилган мафқура. Партиявий мафқура.

2. Давлат ҳокимиятини эгаллашга қаратилмаган мафқура. Диний мафқура.

3. Миллий мафқура. У Президентимиз Ислам Каримов асарларида «миллий мафқура», «жамият мафқураси», «умумхалқ мафқураси», «миллий гоя» терминлари билан ҳам тилга олинади. 2000 йили чоп этилган миллий мафқура концепцияси расман «Миллий истиқлол дебос»: асосий тушунча тамойиллар» гоё номланади. Ана шу терминларнинг бари амалда бир мафқуранинг билдириди.

Кўппартиявий жамиятга ўтиш осон кечаётгани йўқ. Чунки халқ қарийб бир аср мобайнида яккапартия тасаввури билан яшади. Бунинг устига, онгимизда эскидан қатъий шакланган нотўғри қараш мавжуд эди. Партия деганда ҳокимиятнинг алмашишини демократик асосда таъминлайдиган, Президент, парламент ва маҳаллий ҳокимият сайловиди гоялари – мафқураси билан халқнинг ишончини қозонишга интиладиган сиёсий кучни эмас, давлатга мутлақ ҳўжайинлик қиладиган уюшмани тушунишдан кўпларимиз ҳамон қутулмаганмиз.

Хўлоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикасида парламентаризм ва кўппартиявийлик демократик принципларнинг асосини ташкил этади.

Мурод ҲОШИМОВ, сиёсатшунос.

Баркамол авлод – юрт келажак

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг боши мақсади халқимиз, айниқса, ёшлар қалбига буюк келажак интилиб яшаш туйғусини мустаҳкамлашдан иборатдир. Фарзандларимизнинг нафақат жисмоний ва маънавий соғлом ўсиши, балки уларнинг энг замонавий интеллектуал билимларга эга бўлган, барча талабларга тўлиқ жавоб берадиган баркамол авлодни вояга етказиш учун зарур имконият ва шароитларни яратишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

МУСТАҚИЛЛИК ВА ЁШЛАР ҲИМОЯСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ



Ўзбекистондаги кенг қамровли ислохотлар нафақат халқимиз, балки жаҳон ҳамжамияти томонидан муноси равишда эътироф этилмоқда. Жумладан, шу йил Тошкентда бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг саммити, Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилари кенгашининг 43-йиллик маҳлиси, БМТ Бош қотиби Пан Ги Муннинг мамлакатимизга ташрифи мисолларида ҳам кўришимиз мумкин.

Давлатимиз раҳбари Мустақиллигимизнинг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида «Менинг энг катта умидим ва ишончим замонавий билим ва тажрибаларни эгаллашга бел боғлаган, тобора ҳал қилувчи куч бўлиб ҳаётга кириб келаятган ёш авлодда» деб таъкидлаб ўтди.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг асосий вазифаларидан бири, болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ҳамда мафқураларини ҳимоя қилишга, уларни баркамол ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган қонун ҳужжатларини тақомиллаштириш ва замон талабларига мослаштиришдир.

Шу мақсадда бир қатор янги қонунларни қабул қилиш, амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар кириштириш кўзда тутилган. Яқинда Олий Маҳлиси томонидан қабул қилинган «Вояга етмаганлар орасида назорат-сиёсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни алоҳида ўрин эгаллайди. Уни қабул қилишдан қўзланган мақсад вояга етмаганлар ўртасида назорат-сиёсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси масалалари билан шуғулланувчи давлат органлари ва муассасаларини аниқ тизими белгилаши, улар фаолиятининг асосий вазифалари, принциплари ва йўналишларини тартибга солишдан иборат.

Шунингдек, мақкур қонун вояга етмаганлар ўртасида назорат-сиёсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи давлат органлари, жумладан, ички ишлар идоралари, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари, ҳомийлик ва васийлик органларининг ҳамда ота-оналарнинг ёш авлод учун масъулиятини оширишга қаратилган.

Ушбу қонуннинг алоҳида нормаларида маданият ва спорт муассасаларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат-нотижорат ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситаларининг вояга етмаганлар ўртасида назорат-сиёсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасида иштирок этиши тартибга солинган. Шунингдек, алоҳида эътиборни талаб қилувчи вояга етмаганлар ва оилалар билан яқна тартибдоғи профилактика ишларини ташкил этиш асослари ва тартиби, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига, вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига жойлаштириш тартиби, асослари, ижтимоий ҳавфи ҳолатдаги вояга етмаганларнинг ҳуқуқий мақоми, уларни ижтимоий-ҳуқуқий ва педагогик реабилитация қилиш масалаларини ечишга қаратилган.

Мақкур қонунлар ёш авлодни миллати ва умуминсоний қадриятлар ҳамда Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш борасида муҳим қадамлардан бири ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида, болаларимизнинг хар томонлама етук ва баркамол шахс этиб вояга етказишда муҳим аҳамиятга эга.

Алишер ТИЛЛАБОЕВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Маҳлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси аъзоси.

Инсон фақат эзгу ишлар қилиш учун дунёга келади. Ҳаётда шундай яшаб ўтмоқ жоизки, токи киши эккан яхшилик уруғидан баҳраманд бўлганлар уни йиллар мобайнида эслаб юрсинлар.

Хурмат Ортиқжонов (исм-шарифлар ўзгартirilган) катта ҳаёт йўлининг бошидаёқ адашди. Ҳолбуки, у нуфузли Олимпия захиралари спорт коллежларидан бирини тамомлаганди. Устозларидан олган билим ва кўникмаларини ёш авлодга етказиб, эл орасида ўзи ҳам хурматга сазовор устоз-мураббий даражасига етишиши мумкин эди. Йўқ, афсуски, бундай бўлмади.

ди ва мулоқот давомида «товар»нинг нарх-навоисига ойдинлик киритиб олди. Орадан икки-уч кун ўтиб, Хурматга тунги клубда топишган таниши Ренат кўнжирок қилиб, бир қўришиб олишлари кераклигини айтди. Улар метронинг Чилонзор бекатига учрашишди. Ренат «иш» қандай

Қилмиш-қидирмиш



ЭСИЗ УМР...

Қадрдон коллежида бўлиб, диплом олишга ҳали фурсат борлигини билган Хурмат вақтинчалик қилиш мақсадида пойтахтдаги тунги клублардан бирига йўл олди. Дискотека ўйинларида жазавага тушиб рақс тушаётганларни томоша қилиб, ўзинча кайф-сафо қилиб ўтиришга унинг ёнига икки нотаниш йигит келди. Сўхбатлари осонгина қувонган йигитлар зум ўтмай танишиб ҳам олишди. Ҳаммаси ана шу тасодифий учрашувдан бошланди.

келтирилган билан қизиқди. Хурмат дастлабки муваффақиятини у билан ўртоқлашди. Ренат ҳар бир гугурт кути марихуананинг устига қўшимча уч минг сўмдан қўшиб тўлашга тайёрлигини билдирди. У сўхбат сўнггида Хурматнинг қўлига йўлкира учун эллик минг сўм пулни тўтқазди. Ишлар ҳамирдан қил суғургандек силлиқ кетаётганидан руҳланган йигит кайдасан Сурхон, дея йўлга тушди. У тўри Термиз шаҳрига келиб, «Хамкорбанк»нинг виллоят филиалидан акиси Давлат Ортиқжонов пешона тери эвазига ишлаб топиб, хориждан юборган 200 АҚШ долларини олиб, Жарқўрғонга кетди. Қисқа муддатда бойиб кетиш фикри Хурматга тинчлик бермасди. У уйдаги 900 минг сўм пулни ҳам чўнтагига солиб, «товар» харид қилиш учун Денов шаҳрига келди. Келишув бўйича у ўзига оғу топиб беришни ваъда қилган Хайридин Сотиболдиевга учрашди. Тошкент-далигидан у айнан шу йигит билан телефон орқали «нозик масала» юзасидан оғзаки келишув тузган эди.

Хайридин кўпни қўрганлардан чиқиб қолди. У ҳеч пайсалга соймай Самад исмли танишига сим қоқиб, муддаосини билдирди. Самад харидор келганини эшитиши билан келишилган жойга тезда етиб келди. У Хурматнинг 200 доллару 900 минг сўм пулини санаб қўриб, ўзинча бир нималарни ҳисоб-китоб қилди-да, 69 та гугурт қуттидаги «мол»га етди, деди. У Хурмат билан Хайридиндан шу ерда қутиб туришларини сўраб, автомашинасини номаълум томонга елдириб кетди. Орадан чамаси бир соатлар вақт ўтиб, Самад қайтиб келди. Бу гал унинг қўлидаги спорт сумкасида «юк» бор эди. «Санаб қўр, ука» деди у Хурматга. Хурмат эса обрўли тadbиркорларга хос виқор билан «ишонаман» деди.

Хайридин билан Самад Хурматни бекатда қолдириб, у билан хайрлашишди. Йигит таксига ўтириб, Жарқўрғонга йўл олди. Шу аснода унинг уяли телефони жингиллаб қолди. Телефонни қўлига тутса ўртоғи. У илгари ҳам Хурматдан наркотик модда топиб беришни сўраган эди. Омади келиб, «мол»га харидор қўла-яётганидан хурсанд бўлган Хурмат ўртоғига айна вақтида сим қоқганини айтиб, ундан қутиб туришини сўради. Икки оғани Жарқўрғон шаҳрига кириверишдаги кўприк устида учрашишди-да, биргалашиб «товар»ни урш учун зарур бўлган скотч ва целлофан сотиб олиш мақсадида бозорга тушишди. Йўл-йўлакай Хурматдан ўртоғи «қутисини қанчадан сотасан?» деб сўраб қолди. У йўлаб туриб «25 минг сўмдан» деди. Икки жўра шаҳарнинг Гулобод маҳалласидаги кўпқаватли уйлар орасига ўтишди. Хурмат бир гугурт қуттидаги гиёвандлик моддасини оғанисига тўтиб, ундан бир даста пулни санаб олди. Хурсандчилик дамлари узоққа чўзилмади. Савдо пишган бир паллада...

«Қорадори» тезкор тadbири жараёнида Х. Ортиқжонов Жарқўрғон тумани ички ишлар бўлими ходимлари томонидан ушланган. Унинг қўлидаги спорт сумкаси ичидан 69 донга гугурт қутисига жойланган наркотик модда ҳолислар иштирокчида ашёвий далил сифатида олинди. Виллоят ички ишлар бошқармаси эксперт-криминалистика бўлими томонидан ўтказилган экспертиза хулосасига қўра, қўтилардаги яшил баргсимон ўткир хидли модда марихуана бўлиб чиқди. Унинг оғирлиги салкам 400 грамм эди.

Х. Ортиқжонов ва Х. Сотиболдиевлар суд ҳукми билан қилмишларига яраша жазо олдилар. Мўмай даромад топиш илҳинида қўлаб қилишларнинг ҳаётини захарлашга, хонадонига қулфат олиб киришга бел боғлаган бу шахслар навқирон йилларини панжара ортида ўтказадиган бўлишди. ЭСИЗ УМР...

Н. АСЛОН. Сурхондарё виллояти.

ПОЧЧАНИ ЧУВ ТУШИРИШДИ



Гиёвандлик моддаси олди-сотдисида аралашиб қолган У. Ботир жазо муддатини ўтаб қайтгандан кейин тайинли иш тополмай юрганида Фориш туманида яшовчи поччаси ёдига тушди. Б. Гайбулла куриллиш-таъмирлаш қорхонасининг бир отар кўйини боқарди. У қайинсини кўйларни яйловда боқишда қўмақлашишга таклиф этди ва ҳар ойда олти минг сўмдан маош тўлашга рози бўлди.

Тергов амалиётидан

У. Ботир тинчгина кўй боқиб юрганида Зафаробод туманида яшовчи ораси У. Махфуза кўнжирок қилиб, даволаниши учун пул керак бўлаётганини айтиб, поччасидан сўраб қўришни илтимос қилди. Поччани биласиз-ку зикна, ойлик маошини зўрға тўлапти, - деди Ботир. Бўлмаса отардаги уч-тўртта кўйни ажратиб, сотиб юборсан бўлмасмикин, - дея таклиф қилди Махфуза. Амалласа бўлади, фақат машина керак, - деди Ботир рози бўлиб. Шу кунни қоронги тушганда Махфуза бир енгил машинани кира қилиб олиб келди. Ботир этли кўйлардан тўрттасини машина юкхонасига жойлади. Махфуза кўйларни уйга олиб борганида эри ҳайрон бўлди. Поччам бериб юбордилар, сотиб пулига даволангин, дедилар, - деди аёл пинагини бузмай. Божасининг саховатидан мамнун бўлган эр ҳам индамай илжайиб қўяди. Орадан ўн беш кунлар ўтиб

Махфуза қизини шифокорга кўрсатгани олиб борди. Шифокор қизчанинг оёғи қийшққ ўсаётгани ва тезда даволатиши лозимлигини айтди. Бунни эшитган эри: - Божанинг олдига бор, яна бир ҳиммат қилсин, бир кун келиб қайтарармиз, - деди. Махфуза Ботирга кўнжирок қилди. Опа-ука яна поччанинг отарига ҳужум қилишди, - дейди Фориш тумани ИИБ тергов гуруҳи катта терговчиси, майор Шомурот Худойназаров. - Бу гал Ботир кўрқмасдан унга кўйини Махфуза кира қилиб келган машинага жойлаб, жўнатади. Эртасига кўйлар Осмонсой қишлоғидаги «Фарход» бозорига сотилади. Пулнинг озгина қисми Ботирга тегади. Қолганини Махфуза олиб кетади. Орадан уч-тўрт кун ўтиб Б. Гайбулла отаридидаги кўйларни санаб чикса бир эмас, ўн тўртта кам чиқадди. Яйловдаги овлоқ жойларни қидиради, қўшни отарларга бориб, суриштиради, аммо тополмайди. Қайинси Ботир эса ҳеч нар-

са билмагандай тураверади. Гайбулланинг укаси Б. Сайфулла ва кўёви Ю. Раҳмон ҳам отарга 20-30 тадан кўй қўшиб қўйганди. Улардан ҳам камайибди. Ботир уларнинг қўйидан ҳам умарганди. Бунни эшитган Сайфулла билан Ботир астойдил қидиришга тушишди. Ботир эса вақтида силлиқчиликчи қиқиб кетмоқчи бўлади. Бу ҳақда Махфузага телефон қилганида, опаси яна бир «фойдали» фикр айтди. - Шунча йил қўй боқиб, қуруқ кетаверасанми. Эртага машина олиб, етиб бораман, сен яна уч-тўртта кўйни мўлжалга олиб тур, - дейди. - Шу тариха опа-ука поччасининг яна олтига кўйини ўмариб, сотиб пулини «арра» қилишди, - деди Ш. Худойназаров. - Отарни қайта санақдан ўтказган Б. Гайбулла яна олтига кўй йўқлигини аниқлаб, тезда туман ИИБга муурожаат қилади. Тергов давомида опа-ука поччаларига жами уч миллион сўмга яқин зарар келтирилгани аниқланди. Б. Гайбулла эса уларнинг қилмишидан беҳабар ички ишлар идорасига ариза берганди. Ички ишлар ходимлари суриштирув, қидирув ишлари олиб бориб, аввал киракаш ҳайдовчилардан бирини аниқлашди. У терговда бир гапни рўй-рост айтиб берди. Ўғирлар хотинининг укаси ва синглисини эканини билган Б. Гайбулла нима қилишини билмай ҳайрон бўлиб қолди. - Поччасини чув туширган Махфуза билан Ботир тергов давомида ўзларини оқлаш учун турли бахоналарни рўқна қилиб қўришди, - деди терговчи, ма-йор Ш. Худойназаров. - Лекин қонун олдида ҳеч қандай бахонага ўрин йўқ. Агар пул зарурлигини айтиб, поччасидан сўраганида ёрдам бериши мумкин эди. Бунни Б. Гайбулланинг ўзи ҳам айтди. Бировнинг тайёр ошига қўл узатмасдан аввал яхшилаб ўйлаб қўриш лозим эди. Кўйларнинг ўрни тўлиб кетади албатта, аммо қариндошлик, жигарчилик ришталарга путур етса, уни қайта боғлаш анча қийин кечади. Садриддин ШАМСИДИНОВ. Жиззах виллояти.

БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН

Мавлюдахон Рихсиевна НИЗАМОВА бедарак йўқолгани учун Сирдарё тумани ИИБ томонидан қидирилмоқда. У 1958 йилда туғилган. Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани Иркутск кўчаси 2/11-уйда яшаган. Сирдарё шаҳридаги Муровват уйда даволанаётганди. 2010 йилнинг 2 октябрь кунни кеч соат 19.30ларда чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 165-170 см, сочи қалта, сийрак, жингалак, қошлари сийрак, қулоқлари ёпишган. Кийимлари: эғнида кўк гулли халат, оёғида қора резина шиппак бўлган.

Мавлюдахон Низамовани қўрган ёки қаердалигини билганлардан Сирдарё тумани ИИБга (8-367) 357-22-02, 357-16-68 рақамли телефонлар орқали ёхуд яқин орадаги ички ишлар бўлимига хабар беришларини ораймиз.

Исмоил Рофиевич ВАХОБОВ бедарак йўқолгани учун Сурхондарё виллоятини Бойсун тумани ИИБ томонидан қидирилмоқда. У 1995 йилда туғилган, Музрабто туманидаги 7-ихтисослаштирилган умумтаълим мактаб-интернатда ўқийди. 2010 йил 20 августда чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 160-170 см, юзи бугдой ранг, озғин гавдали, сочи қора, қошлари қора ёйсимон, кўзлари қора қисқирок, қулоқлари ёпишган, лаблари ингичка, сийрак мўйлови бор.

Исмоил Ваҳобовни қўрган ёки қаердалигини билганлардан Бойсун тумани ИИБга ёки яқин орадаги ички ишлар бўлимига хабар беришларини сўраймиз.

Комил Хожаевич МАМАТҚУЛОВ бедарак йўқолгани учун Наманган шаҳар ИИБ томонидан қидирилмоқда. У 1989 йилда туғилган, Наманган шаҳар 4-кичик туман 43-уй, 34-хонадонда яшаган, руҳий касал. 2010 йил 7 сентябрь кунни эрталаб соат 8.30 ларда уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 150-160 см, озғин гавдали, юзи чўзиқроқ, сочи қора, кўзлари қора, қошлари қора ингичка, қулоқлари ўртача, пешонасини кенг.

Кийимлари: эғнида енгсиз майка, тўқ кўк трико, оёғида енгил шиппак бўлган.

Комил Маматқуловни қўрган ёки қаердалигини билганлардан Наманган шаҳар ИИБга (8-369) 226-23-63, 226-98-98 рақамли телефонлар орқали ёхуд яқин орадаги ички ишлар бўлимига хабар беришларини сўраймиз.

Пойтахтимиздаги мактаблардан бирининг стадиони атрофида жойлашган ўриндиқда кўпқаватли уйда яшовчи икки қўшни ўтириб улфатчилик қилишарди. Пиводан сархушлиғи, нардага муккасида берилиб кетганлигидан ён-атрофдан ўтганлар ҳам, сал нарироқда бир-бирини қувлашиб камон отаётган ва тўппонча тутиб «пак-пук» ўйнаётган болаларнинг шовқин-сурони ҳам заррача таъсир қилмасди. Шу пайт улар ёнига йиғлаб келган болакайнинг сўзлари эътиборни тортди.

Кеча энг зўр камончи ясаб беришни ваъда қилгандигиз. - Ахтамнинг камонига ҳеч қимни ки тенг келолмайпти, у ҳамма ни енгди, қачон менга ҳам шундайдан ясаб берасиз? Тўппонча олиб бераман, деганингизга икки ҳафта бўлди, ҳаммада бор, менда эса йўқ, - дедирди у зорланиб. Отанинг эса парвои палак, нарда суришдан бош кўтармасди. Ҳатто, ўғилчасининг «камон ўқи» гулла қилган пешонасидан сизиб чиқаётган қонга ҳам бирров назар солмади. Болакай эса бир зум тургач, яна югурганича ўртоқларига қўшилиб кетди.

Ўзлари бегубор, аммо ўйнаётган ўйинлари анча хатарли бу болакайлар узоқ борса 2 ёки 3-синфда ўқишади. Лекин камон отиш ва тўппонча ушлашни қаердан ўзлаштири қолишди экан? Кўпинча, болаларнинг назоратсиз қолиши ва бекорчиликдан эртаю кеч телевизор қаршисидан кетмаслиги бунга сабаб эмасми?

Гап бола тарбияси ва унинг келажаги ҳақида бораркан, яқинда ён қўшимизнинг хонадонига бўлган бир воқеа маҳалламиз ақлини ҳушёр торттирди: воёга етмаган фарзандларини ойнаи жаҳон қўлисида қолдирган хонадон бекаси дўконга чиқиб ул-бул харид қилиб қайтади. Келиб қараса, катта ўғли кичкинасининг пешонасига ўзи олиб берган ўйинчоқ тўппончани тираб турибди. Сабабини суриштирса, укаси телевизорни бошқа каналга қўйишни сўраб хархаша қилган. Бу эса унинг жаҳлини чиқаради ва кўраётган фильмдаги қаҳрамонга таклид қилиб, уни шаштидан қайтармоқчи бўлибди. Хайриятки, қўлидаги ўйинчоқ тўппонча экан, агар ўша қўлига ошпичоқ ёки ўткир тигли бирор нарса тушса, унда нима бўларди...

Мана, болаларнинг бўш вақтларига оила бошлиқларининг эътиборсизлиги соатлаб ойнаи жаҳон қаршисига ўтиришининг оқибати. Шу ўринда телевизор орқали намойиш этилаётган баъзи кинолар ҳам киши дилини ранжитмасдан қолмайди. Аксарият фильмларнинг асосий гоёяси нима қилиб бўлса ҳам галабага эришиши. Айниқса, бир қатор хоржик кинола-

КАМОН ОТИБ, ТЎППОНЧА ҚўНАЁТГАН БОЛАЛАР



рида тўппонча, қилич, автомат ва камон-найзаларсиз кўзланган мақсада эришилмаслигини катталар қаторида болалар ҳам қузатишмоқда. Баъзан ўйлаб қолсан киши: ярим тунда ёки кечки пайт кўрсатилган фильмларни яна кундузи такрорлаш шартми? Унинг ўрнига асосан болаларга мўлжалланган нарсалар кўпроқ намойиш этилса яхши бўлмайдими? Болаларнинг кўпроқ кундузлари ёлғиз қолишлари инобатга олинса, бу фикр фойдадан холи эмаслиги янада равшанлашади. Инсон борки, фарзандим, дейди. Унинг ўн-улғайишидан, келажагидан умидвор. Шунга қарамай аксарият ҳолларда бола тарбиясида таълимни ўз қарини билан ўлчайдиганлар кўп. Айримлар эса болани ёшлигидан тўғри йўлга бошлаб, унинг сўзларини тинглаб, хулоса чиқаришдан

хил саволлар билан бошини қотириб, вақтингизни олмайди, - дейди у бепарвогина қулиб. Агар ўйлаб қаралса, болажонлик, таълим-тарбияни шакллантириш ва фарзандларни турли ўйинлар орқали соғлом ўстириш ҳамда ёшлигидан спортга қизиқтириш бўйича халқимизники сингари бой тажриба унча-мунча миллатда топилимаса керак. Айтайлик, «зув-зув», «ким қаққон», «лапар», «чиллак», «оқ теракми, кўк терак» каби бехисоб миллий ва болаларбоп ўйинларимиз ота-оналар орқали уларга сингдириб борилса қандай яхши бўларди. Ёки хоржик давлатларида суратга олинган, қурол тутиб ҳоқимиятга эришишни тарғиб этувчи киноларни экранларда сурункали равишда намойиш қилишга чек қўйиш пайти келди. Давлатимиз мустақил бўлиб, ўз йўлини танлаб олганига 19 йил тўлди. Бир қарашда бу қисқанига муддатдир. Аммо шу даражада чиқиннинг ўзи бўлгани йўқ. Айни шу мавзудаги болаларбоп фильмлар тайёрланиб, ойнаи жаҳон орқали бериб борилса, фарзандларимиз, шуруида Ватан қадрни янада мужассамлаштириш шубҳасиз. Яна бир фикр: ҳозир техника ривожланган давр. Замонавий телекоммуникация воситалари энг чекка қишлоқларга ҳам кириб борди. Халқимиз телеэкран ҳамда компьютерлар орқали барча янгиликлардан баҳраманд бўлишмоқда. Лекин китоб мўтолаасидан олинган маънавиятни ҳеч нарсага қиёслаб бўлмайди. Шунга қарамай, хонадон бошлиқларининг аксарияти фарзандларининг бадий китобларни кўпроқ мўтолаа қилишига аҳамият қаратаётгани боис юқорида таъкидланган ўйинларга болаларнинг мойиллиги қучаётгани сир эмас. Мустақиллик йилларида болаларга мўлжалланган бадий адабиётлари чоп этишга катта аҳамият берилди. Унинг самараси китоб дўконларида аинқиса сезилмоқда. Айни пайтда турли мавзулардаги китоблар дўкон пештахталаридан кенг ўрин олган. Лекин сотиб олувчилар кам. Харидорларнинг аксарияти ўзларига мос китобларни харид қилишди. Фарзандини етлақлаб келиб, китоблар билан таништирадиган, олиб берадиганлари эса кам. Бир сўз билан айтганда, фарзанд тарбиясига, келажагига ота-она масъулдир. Бола эса бамисоли ниҳол. Уни қайқа эгсангиз, шу томонга ўсади. Бунни ҳеч биримиз унутмаслигимиз керак. Абдусами ХАКБЕРДИЕВ.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва Фахрийлар кенгаши вазирилик Ашула ва ракс ансамбли бошлиғи, катта лейтенант Учқун Тиллаевга падари бузруқвориди ТўРА отанинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради. Тошкент виллояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма ХООБ инспектори, катта лейтенант Бехзод Амиркуловга волидаси МУХТАРАМ ЯНИНГ вафот этганлиги муносабати билан таъзия ихпор этади.

Умрнинг ҳар лаҳзаси гўзал...

Ҳар тонг уйқудан уйғонгандаёқ шоша бошлайман. Нонушта қилиш, ишга кетишга тайёргарлик кўриш лозимлиги вақт тизимини англашга ёрдам беради.

ШОШАЁТДАН ДУНЁ

Энди уйга томон шошишим лозим. У ерда ҳам қиладиган анчагина юмушлар бор. 24 соат ҳисобидаги сутканинг иккинчи соатини йўлга сарфлайман.

Бошқача кўринди. Вақтни тежаш учун бу гал метрога тушдим. Бир-бирига туртилиб, бир-бирини ортда қолдиришга ҳаракат қилаётган одамлар оқими орасидан шошилмай ўтдим.



Гули НИГОР.

Китоб жавонингизга

Янги ўқув қўлланма



Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртида муаллифлар жамоаси томонидан «Жиноят-ижроия ҳуқуқи» фани бўйича маърузалар тўплами тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртида муаллифлар жамоаси томонидан «Жиноят-ижроия ҳуқуқи» фани бўйича маърузалар тўплами тайёрланди.

У. ҲАСАНОВ, подполковник.

МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

КҮЙ. Ҳафтанинг бошларида дадил қарор қабул қилаверинг. Шу кунларда таваккал қилсангиз ҳам, ишингиз яхши яқун топади.

СИГИР.

Юлдузларнинг жойлашуви ҳафтанинг биринчи ярмида шахсий ва ишбилармонлик муносабатларининг ижобий яқунлигини дарақ бермоқда.

ЭГИЗАКЛАР.

Ҳафтанинг биринчи ярми қийин ишларни бажариш, мураккаб масалаларни ҳал этиш учун қулай. Ҳозир бунинг учун куч-қувватингиз ҳам, имкониятингиз ҳам етарли.

КИСКИЧБАКА.

Сизни романтик учрашувлар кутмоқда. Агар севимли кишингиз билан анчадан буён кўнгли-лочар жойларга бормаган бўлсангиз, ҳозир бунинг айнаи фурсати.

АРСЛОН.

Оилавий муаммоларни ҳал этиш учун қулай давр келди. Уйингизни тартибга келтиринг, рўзгор юмушлари билан шуғулланг.

БОШОҚ.

Шу кунларда мароқли мулоқотлар қиласиз. Ҳафтанинг биринчи ярмида ишбилармонлик ва ишбилармонлик муносабатларининг ижобий яқунлигини дарақ бермоқда.

ТАРОЗИ.

Ушбу бурж остида туғилганлар ҳафтанинг биринчи ярми мобайнида ҳар қандай молиявий масалани ижобий ҳал эта оlishида.

ЧАЁН.

Шу кунларда нотиклиқ қобилиятингиз кучайиб кетади. Ҳушмуомалалигингиз ва қатъийлигингиз билан ҳаммуоамаларингизни ўзингизнинг ҳақлигингизга осонгина ишонтира оласиз.

ЁЙ.

Ҳафтанинг биринчи ярмида кўпроқ вақтингизни дам олишга ажратинг. Ҳозир ҳаётий куч-қувватингизни тиклаш учун қулай пайт.

ТОҒ ЭЧКИСИ.

Дўстларингиз билан дийдорлашиш учун қулай пайт келди. Улар орасида ўзингизни эркин ҳис этасиз. Қизиқшингиз бўйича бирор тўғараққа ёзилиш истаги пайдо бўлади.

ҚОҒФА.

Ҳозир уларнинг қимлигини билмаслигингиз ҳам мумкин. Ҳақиқат эсту мақсадларни кўзланг, шунда ишингиз бароридан келади.

БАЛИҚ.

Сиз дастлабки кунларда жамоа бўлиб бажариладиган ижодий ёки илмий ишларда, муваффақият қозонасиз.

Дунёдан Арақлар

Тинч аҳоли ўққа тутилди. Мексика ғарбда кўнгилсиз воқеа содир бўлди. Телик шаҳридаги машиналар ювиш жойида бир гуруҳ қуролланган шахслар томонидан тинч аҳоли ўққа тутилиши оқибатида 15 киши ҳаётдан қўз юмган.

Кўш офат талафоти. Reuters ахборот агентлиги тарқатган хабарда айтилишича, Индонезиянинг киргоқбўйи ва оролларидаги аҳоли яшаш масканлари устига ёпирилган цунами (кучли куюн) оқибатида 340 нафардан ошқ одам ҳаётдан қўз юмиб, 400 дан ортиги бедарак йўқолган.

отилиши натижасида кўп уй-жойлар вайрон бўлиб, ҳукумат 11 минг кишини хавфсиз жойга қўчириган.

ПЕНСИЯ ИСЛОҲОТИГА ҚАРШИ

Францияда яна оммавий иш ташлашлар бошланди. Авиация тизими ходимлари томонидан уюштирилган норозилик намойишлари тўғрисида мамлакатдаги йирик аэропортлар фаолияти издан чиққан.

ҚАЛБАКИ ҲУЖАТ ЯСОВЧИЛАР ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Интерфакс ахборот агентлигининг хабарига кўра, Москва шаҳар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари икки нафар шахсни қўлга олишди.

МЎЪЖИЗАМИ ЁКИ ТАСОДИФ?

Ҳаётда шундай воқеалар бўладики, таҳлил эта туриб улар мўъжизами, тасодифми билолмайсан киши. Қуйидаги мисолга эътибор берсангиз, ҳайратланиб, ёқа ушлашингиз табиий.

НИМТАБАССУМ

Кайфи тароқ бир киши кўчада ўтиб кетаётган киздан сўради: - Яхши киз, айтинг-чи, бошимда нечта гулла бор?

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ИИБ ВА УНИНГ ҚҮЙИ ТИЗИМЛАРИДАГИ «ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ»

Table with 2 columns: Institution Name and Phone Number. Includes Viloyat IIB, JXK va TKKB, Tergov boshqarmasi, etc.

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

Advertisement for POSTDA, NA POSTU, QALQON, and SHIT. Includes contact information and a list of services.